

Душанбе меҳмонларни қутлайди!

Тоҷикистон – тинчлик, дӯстлик ва эзгуликлар Ватани!

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган



ХАЛҚ ОВОЗИ

Тоҷикистон Республикаси Ҳукумати нашри




<http://khalkovozi.tj/>



halkovozi1929@mail.ru

№ 41
(20459)
2025 йил
9 октябр



РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МИЛЛАТ ПЕШВОСINI ҚУТЛАДИ

5 октябр куни Тоҷикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Россия Федерацияси Президенти муҳтарам Владимир Путин ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида Россия Президенти Владимир Путин Давлатимиз бошлиғини туғилган куни муносабати билан самимий табриклаб, эзгу тилакларини изҳор этди.

Миллат пешвоси илиқ ва самимий табриклар учун миннатдорчилик билдириб, ушбу эзгу тилаклар бутун Тоҷикистон халқига тегишли деб билишини таъкидлади.

Давлатлар раҳбарлари икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида йўлга қўйилган муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига доир фикр билдирдилар.

Президентлар, шунингдек, олдинда турган олий даражадаги учрашувлар жадвали ва томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ҚОЗОҒИСТОН РАҲБАРИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИ

5 октябр куни Тоҷикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Қозоғистон Президенти суҳбат аввалида Тоҷикистон Президентини туғилган куни муносабати билан самимий табриклаб, Давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлик ва масъулиятли давлат фаолиятида янада юксак муваффақиятлар тилади. Давлатлар раҳбарлари, шунингдек, Тоҷикистон ва Қозоғистон ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликларнинг айрим масалаларига доир фикр билдирдилар.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни самарали ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканликларини қайд этдилар.

Тоҷикистон ва Қозоғистон Президентлари суҳбат асносида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ЭЗГУ ТИПАКЛАР БИЛДИРДИ

5 октябр куни Тоҷикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти суҳбат аввалида Миллат пешвосини таваллуд айёми билан самимий табриклаб, давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлик, баракали умр ва давлат фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади. Икки мамлакат раҳбарлари мулоқот асносида Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик доирасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига доир фикр билдирдилар.

Давлат раҳбарлари томонлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ва ҳамкорликларни икки мамлакат халқларининг асли манфаатларига мос равишда янада кенгайтириш ва изчил ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БЕЛАРУС ПРЕЗИДЕНТИ ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАДИ

5 октябр куни Тоҷикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Беларус Республикаси Президенти муҳтарам Александр Лукашенко билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди.

Беларус Республикаси Президенти Тоҷикистон Президентини туғилган куни муносабати билан самимий табриклаб, Давлатимиз раҳбарига мустақкам саломатлик, мамлакат ва унинг халқи манфаати йўлидаги давлат фаолиятида янада юксак муваффақиятлар тилади.

Икки мамлакат раҳбарлари Тоҷикистон ва Беларус ўртасидаги муносабатлар ва кўп қиррали ҳамкорликларнинг стратегик шериклик доирасидаги ривожланиш жараёни ва унинг истиқболларига доир фикр билдирдилар.

Беларус Президенти Миллат пешвосининг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат асносида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

"Ховар" ТМАО.



ТОҶИК ТИЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЮКСАК МИНБАРЛАРИДАН ЯНГРАМОҚДА

Тоҷикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Давлат тили байрами муносабати билан табриги
2025 йил 4 октябр, Душанбе шаҳри.

Азиз ватандошлар!
Барчангизни тожик миллатининг муқаддас қадриятлари ва давлатчилик асосларидан бири, шунингдек, орий аجدодларимизнинг бебаҳо ёдгорлиги бўлган Давлат тили куни билан самимий муборакбод этаман.

Тоҷик тили тарихий ривожланиши жараёнида миллат маънавий биносининг мустақкам устуни ва халқ ҳаётини акс эттиришининг энг муҳим воситаси сифатида тожик миллати боқийлигида муҳим ўрин тутади.
Яъни, тожиклар босиб ўтган шонли

йўлини ўз тарихий хотирасида, айнан, она тили воситасида сақлаб қолганлар.
Форсий-дарий-тожик тили тарих давомида кўлаб босим ва таҳдидларга дуч келган, бироқ барча тарихий даврларда сиёсат, илм ва маданиятнинг улғу арбоблари уни сақлаб қолиш учун

кўп саъй-ҳаракат қилганлар.

Сомонийларнинг маданиятпарвар сиёсати, ўша даврнинг ватанпарвар ва донишманд сиёсатчилари ҳамда илму адабиёт аҳли шарофати билан дарий тожик тили ўз мавқеини қайта мустақкамлаб, расмий давлат тили мақомини олди.

Сомонийлар илм, маданият ва адабиёт тараққиёти учун қулай шароит яратиб, тожик тилининг ривожланишини таъминлади.

Бошқача қилиб айтганда, тожик адабий тили, айнан, Сомонийлар даврида шаклланди ва унинг барча меъёрларига асос солинди.

Ушбу меъёрлар минг йилдан ортиқ вақт давомида, яъни бугунги кунгача мунтазам сайқалланиб, мустақкамлашиб, тожик тилининг ёзма ва оғзаки шаклда ривожланишига хизмат қилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тожик адабий тили меъёрлари Сомонийлар давридан бугунги кунга қадар жуда оз ўзгаришларга дучор бўлган.

Олимларнинг эътироф этишича, бундай ҳодиса дунё тиллари тизимида камдан-кам учрайди.

Сомонийлар миллатпарвар ва ватанпарвар авлод сифатида тожик тили мақомини расмий тил сифатида мустақкамлаб, унинг ривожланишининг сиёсий асосларини яратди.

Тожик олим ва донишмандлари, шоир ва ёзувчилари ўша даврлардан бугунги кунга қадар она тилини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун бой илмий-адабий асарлар ёзиб, унинг боқийлигига асос солдилар.

Тараққиётнинг ибтидоида устод Рўдакий турган латиф тожик тили ҳақим Абулқосим Фирдавсийга безавол «Шоҳнома»сини яратиш имконини берди, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний, Умар Хайём ва юзлаб бошқа олим донишмандлар тожик тили шуқуҳни олам аҳлига танитдилар.

► Давоми 4-бетда.

Душанбе – халқаро тадбирлар мезбони



2025 йилнинг 8-10 октябр кунлари Душанбе шаҳрида бир қатор муҳим халқаро даражадаги тадбирлар бўлиб ўтади:

-Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Тоҷикистон Республикасига давлат ташрифи;
-"Марказий Осиё - Россия" форматидаги давлат раҳбарларининг саммити;

-Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси;

-МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси.

8-9 октябр кунлари Россия Федерацияси Президенти муҳтарам Владимир Владимирович Путин давлат ташрифи билан Тоҷикистон Республикасига келади.

Давлат ташрифи давомида Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гул қўйиш маросими режалаштирилган бўлиб, музокаралар тор ва кенгайтирилган таркибда ўтказилади, шунингдек, давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Учрашувлар якунида Тоҷикистон ва Россия раҳбарларининг матбуот анжумани бўлиб ўтади.

9 октябр куни Тоҷикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Россия Президентлари "Марказий Осиё - Россия" иккинчи саммитида қатнашишади. Мажлис давомида давлат раҳбарлари кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг доирадаги масалаларини кўриб чиқилади.

Шунингдек, терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва бошқа трансмиллий қаҳриқларга қарши кураш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Саммит якунида Баёнот ва Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинади.

10 октябр куни Душанбе шаҳрида "Миллат қасри"да Тоҷикистон

Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон раислигида МДҲ давлат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтади. Ушбу тадбирда иштирок этиш учун Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрадилар.

МДҲ давлатлари раҳбарлари минтақавий ва глобал хавфсизлик каби халқаро кун тартибидagi энг муҳим масалаларни муҳокама қиладилар. Сиёсий мулоқотни янада мустақкамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва МДҲ доирасидаги гуманитар ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлис якунида МДҲ давлат раҳбарлари ушбу кўп томонлама форматда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатларни имзолайдилар.

Тоҷикистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
матбуот хизмати.



Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Сиз Давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингиз билан ватандошларнинг самимий ҳурмати ва чет элда юқори обрўга сазовор бўлдингиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда Тожикистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда сезиларли ютуқларга эришди ва халқаро майдонда ўз мавқеини мунтазам мустақамлаб бормоқда.

Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтиришга катта шахсий ҳисса қўшдингиз.

Ва биз, албатта, икки томонлама, минтақавий ва халқаро кун тартибдаги муҳим масалалар бўйича фаол қўшма ишларни давом эттирамиз.

Ишонамани, Душанбеда бўлиб ўтадиган бўлажак мулоқотимиз конструктив ва самарали бўлади, Россия ва Тожикистон учун фойдали бўлган алоқаларнинг бутун мажмуини янада кенгайтиришга, шунингдек, Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлигини мустақамлашга хизмат қилади.

Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик ва янги ютуқлар тилайман.

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Жаноби олийларига!

Сизни чин қалбимдан табриклаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

Жорий йилда биз иккита ййгилиш — аввал Остонада, сўнгра Пекинда ўтказдик, бир қатор келишувларга эришдик, янги даврда Хитой ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш режасини белгилаб олдик.

Мен Хитой ва Тожикистон муносабатларининг ривожланишига катта эътибор қаратаман, Сиз билан бўлган чуқур дўстлигимни қадрлайман ва Сиз билан биргаликда қўшма саъй-ҳаракатлар билан икки мамлакат ҳамкорлигини мунтазам чуқурлаштириш ва мустақамлашга қўмаклашишга, Хитой ва Тожикистоннинг ягона тақдир жамиятини янада бой мазмун билан тўлдиришга тайёроман.

Сизга мустақам соғлиқ, муваффақият ва олий ва-зифангизда янги ютуқлар тилайман.

Си ЦзинПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Сизни қутлуг таваллуд айёмингиз билан чин дилдан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изхор этаман.

Ўзбекистонда Сизни Давлат раҳбари ва тажрибали сиёсатчи сифатида яхши билишди ва катта ҳурмат билан қадрлашди.

Тожикистон Республикасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш даражасини мунтазам оширишга қаратилган фойдали дастурлар, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузининг ошиб бориши, шубҳасиз, бевосита Сизнинг номингиз билан боғлиқдир.

Бу фикримнинг яққол далили халқаро ҳамжамиятнинг Сиз томонингиздан илгари сурилган минтақавий ва жаҳон аҳамиятига эга муҳим ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлашидир.

Ишонамани, қатъий қўшма саъй-ҳаракатлар билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги кўп қиррали ва узоқ мuddатли ҳамкорлик келгусида ҳам жадал ривожланиб, биродар халқларимизнинг умумий тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Шубҳасиз, бўлажак олий даражадаги очик ва самарали мулоқотлар, муҳим келишувлар ва аниқ лойиҳалар сўнгги йилларда жадал ривожланаётган томонларнинг ҳар томонлама ва фойдали ҳамкорлигига янги туртки беради.

Сизни ушбу қутлуг ва эсда қоларли кунингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, Сизга мустақам соғлиқ, оилавий бахт ва фаровонлик, масъулиятли давлат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, шунингдек, биродар Тожикистон халқига тинчлик, барқарор тараққиёт ва янада раванқ тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сиз бутун халқингиз томонидан тан олинган Пешво ва мустиқил Тожикистоннинг шаклланиши ва ривожланишига, ҳақиқатан ҳам, тарихий ҳисса қўшган таниқли давлат арбобисиз. Узоқ мuddатли тинчликнинг ўрнатилиши ва миллат бирлигининг мустақамланиши Сизнинг номингиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Сизнинг кучли ва оқилона раҳбарлигингизда биродар Тожикистон барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришди ва халқаро майдонда ўз обрўси ва мавқеини мустақамлади.

Ишонамани, тожик халқи Сиз белгиланган стратегик йўналишда ҳаракат қилиб, кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш орқали Сиз муваффақиятли ва фаровон давлат қуриш мақсадида қўйган олий мақсадларга



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Жаноби олийлари муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг таваллуд айёми муносабати билан Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси номига хорижий давлат ва ҳукумат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан табрикномалар келди.

эришади.

Мен ишончли муносабатларимизни қадрлайман ва Сизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик ришталарини мустақамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссангизни юқори баҳолайман.

Қозғистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни ҳар томонлама мустақамлашга қатъий аҳд қилганимизни таъкидлаб, Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, мустақам соғлиқ, оилавий фаровонлик ва биродар Тожикистон манфаати йўлидаги масъулиятли давлат фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозғистон Республикаси Президенти.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Сизни чин дилдан туғилган кунингиз билан табриклайман.

Сизнинг давлат сиёсатингиз мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, халқ фаровонлигини ошишига ва Тожикистоннинг халқаро майдондаги обрўсини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йил юқори даражадаги муҳим таширларга бой бўлиб, икки томонлама муносабатларни мустақамлашда муҳим босқичга айланди.

Самимий, дўстона ва конструктив муҳитда самарали ва мазмунли музокаралар ўтказилди.

Қирғиз ва тожик халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ва халқларимиз ўртасидаги ишончни мустақамлашга қаратилган ушбу учрашувдан муҳим келишувларга эришилди.

Ишонамани, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик келгусида ҳам ўзаро ҳурмат ва шериклик руҳида мустақамланади.

Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, мустақам соғлиқ, оилавий бахт ва фаровонлик, давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Тожикистон халқига эса, тинчлик ва раванқ тилайман.

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Сизга таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Сиз кўп йиллар давомида доно давлат арбоби ва узоқни қўзловчи сиёсатчи сифатида ўз халқингиз манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдасиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда Тожикистон иқтисодиёти барқарор ривожланимоқда, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси ошмоқда.

Туркменистон ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги даражасини юқори баҳолаб, дўстона муносабатларимиз ривожига қўшган шахсий ҳиссангизни таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасидаги мажбуриятларини тасдиқлайман ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликини кенгайтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёригимизни билдираман. Якунда Сизга мустақам соғлиқ, оилавий бахт ва ишларингизда янги муваффақиятлар, мамлакатингизнинг биродар халқига эса, тинчлик ва раванқ тилайман.

Сердар БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Бугун Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз ва мамлакат манфаати йўлидаги садоқатингиз туфайли, Тожикистон барқарор ва ишончли равишда узоқ мuddатли ва ҳар томонлама ривожланиш йўлидан бормоқда.

Биродар мамлакат давлат қурилиши, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш йўлида эришган сезиларли ютуқлар Давлат раҳбари лавозимингизда Сизнинг узоқни қўзлаган ва самарали сиёсатингизнинг натижасидир.

Сизнинг сермахсул фаолиятингиз ва давлатни бошқариш тажрибангиз, дарҳақиқат, нафақат, Тожикистон фуқаролари ўртасида, балки мамлакат ташқарисида ҳам Сизга ҳурмат ва обрў келтирди.

Бугун Сизнинг шахсий эътиборингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз туфайли, Озарбайжон ва Тожикистон ўртасидаги кўп асрлик биродарлик, дўстлик ва халқларимизро ўзаро ёрдамга асосланган давлатлараро муносабатлар сифат жиҳатидан янги ривожланишга эришгани ва стратегик шериклик даражасига кўтарилгани қувонарлидир, уларга барча даражадаги фаол ҳамкорлик ҳосидир.

Жорий йилнинг июл ойида Хонкендида бўлиб ўтган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида Сизнинг иштирокингизни илиқ хотиралар билан эслайман.

Ишонамани, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз келгусида ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг бутун



мажмуини оширишга, халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатлари доирасида стратегик шериклигини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган истиқболли ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Ушбу муҳим кунда Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, мустақам соғлиқ, бахт-саодат, туганмас куч-қувват ва Тожикистон халқи манфаати йўлидаги масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти.

Муҳтарам Президент, Азиз биродарим!

Миллатим ва шахсан ўз номиндан Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимдан табриклайман ва Сизга яқинларингиз даврасида узоқ йиллар давомида соғлом ва осойишта ҳаёт тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги умумий тарихий ва маданий алоқаларга асосланган яқин икки томонлама ҳамкорлик дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосида келгусида ҳам ривожланишини яна бир бор тасдиқламоқчиман.

Шу муносабат билан яна бир бор Жаноби олийларига мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст ва биродар Тожикистон халқига эса, тинчлик, осойишталик ва раванқ тилайман.

Режеп Тайип ЭРДОҒАН,
Туркия Президенти.

**Муҳтарам Эмомали Шарифович!**

Сизни чин қалбимдан туғилган кунингиз билан табриклайман.

Сизнинг Тожикистон манфаати йўлидаги фидокорона хизматингиз, тожик халқининг бой маданий меросини асраб-авайлашга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз, шунингдек, минтақавий тинчлик ва ҳавфсизлиқни мустақамлашга қўшган ҳиссангиз энг юқори баҳрога лойиқдир.

Ишонамани, Тожикистон Республикаси ва Беларус ўртасидаги стратегик шериклигини ҳозирги даража, бир-бирини қўллаб-қувватлаш икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқларимиз фаровонлигини ошириш каби улут мақсадларига эришишнинг ишончли асосини ташкил қилади.

Мен Сизни Беларуснинг узоқ йиллик ва яхши дўсти сифатида биланам ва Сизнинг юқори давлат лавозимидаги туну кунлик фаолиятингиз келгусида ҳам Минск ва Душанбе ўртасидаги икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонаман.

Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, чин қалбимдан узоқ йиллар давомида мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва барча ташаббусларингизда доимий муваффақиятлар тилайман.

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти.

Жаноби олийлари!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни ва эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Ишонамани, Сизнинг давлат фаолиятингизда катта тажрибангиз ва доимий саъй-ҳаракатларингиз келгусида ҳам Тожикистоннинг ривожланишига ва унинг халқаро майдондаги обрўсини мустақамлашга хизмат қилади.

Арманистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч аъённалари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустақамлаш ва ривожлантириш учун мустақам пойдевордир.

Олий даражадаги фаол мулоқот ва томонларни қиштирган лойиҳаларни амалга ошириш Арманистон ва Тожикистон халқлари манфаати йўлида янги умидбахш истиқболларни очади, деб қатъий ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ ва фаолиятингизда тинчлик, фаровонлик ва Тожикистоннинг ривожланиши йўлида янги муваффақиятлар тилайман. Жаноби олийлари, чуқур эҳтиромимни қабул қилинг.

Никол ПАШИНЯН,
Арманистон Республикаси Бош вазири.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий табрикларимни ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида Тожикистонда халқнинг турмуш даражаси мунтазам ошиб, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ўсиб бормоқда.

Айниқса, Тожикистон Республикасининг замонавий муаммоларни ҳал этиш йўллари излашдаги тобора ортиб



бораётган ролини қайд этиш лозим. Айни пайтда Туркменистон ва Тожикистон ўртасида янги йўналишларда самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Давлатлараро муносабатларимизни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссангиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Ушбу қўлай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, чин қалбимдан мустақам соғлиқ, фаровонлик ва саодат, биродар тожик халқига эса, тинчлик, тараққиёт ва янада раванқ тилайман.

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий лидери, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Туғилган кунингиз муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул қилинг.

Сизнинг шахсий фазилатларингиз, меҳнатсеварлигингиз ва бой сиёсий тажрибангиз Тожикистоннинг ривожланиши ва раванқ топишига, унинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустақамлашга хизмат қилади. Мамлакатингизга келгусида ҳам ривожланиш ва тараққиёт тилайман.

Мен доимо барча учрашувларимиз ва суҳбатларимизни яхши хотиралар билан эслайман.

Ушбу қувонч кунда Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, мустақам соғлиқ, туганмас куч, оилавий фаровонлик ва биродар Тожикистон халқига саодат ва раванқ тилайман.

Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,
Қозғистон Республикасининг биринчи Президенти.



Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Россия Федерацияси Ҳукумати ва шахсан ўз номиндан Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Тожикистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингиз остида миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва Тожикистон фуқароларининг фаровонлигини ошириш йўлида ишонч билан қадам қўймоқда.

Дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Россия-Тожикистон муносабатларини мустақамлашга қўшган сезиларли ҳиссангизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Олий даражада қабул қилинган қарорларни амалга ошириш мақсадида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгайиб, энергетика, саноат, транспорт инфраструктураси, илм, маориф ва бошқа соҳаларда йirik қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ишонамани, амалий ҳамкорликнинг ошиши ва турли соҳаларда томонлар учун фойдали бўлган янги ташаббусларни амалга ошириш Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Сиз билан доимо конструктив ва ишонч муҳитида ўтадиган учрашувларимизни илиқ хотиралар билан эслайман.

Сизга, муҳтарам Эмомали Шарифович, чин қалбимдан мустақам соғлиқ ва фаровонлик, масъулиятли давлат фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Михаил МИШУСТИН,
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси.

Муҳтарам Эмомали Шарифович!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман.

Сиз ҳаётингизни ўз халқингизга хизмат қилишга бағишлагансиз.

Сизнинг раҳбарлигингиз остида Тожикистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда сезиларли муваффақиятларга эришди ва халқаро майдонда ўз мавқеини мустақамлади. Сизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларини кенгайтиришга қўшган ҳиссангиз ҳурматга сазовордир. Сизга мустақам соғлиқ ва барча эзгуликларни тилайман.

Вячеслав ВОЛОДИН,
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси.

Жаноби олийлари!

Туғилган кунингиз муносабати билан самимий табрикларимизни қабул қилинг.

Мустиқил ва суверен Тожикистон жаҳоннинг аксарият мамлакатлари билан яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ўрната олмақда.

Бу борада Сизнинг раҳбарлигингиз остидаги тасдиқланган сиёсат муҳим рол ўйнайди, унинг асосини шаффофлик, хайрихоҳлик ва қатъийлик ташкил этади, бу Сизга ҳосидир.

Бу Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига тўлиқ намояна бўлади. Ташкилот асосчиларидан бири сифатида Сиз ШХТ масъулият зонасидаги кўп томонлама муносабатларнинг тобора кенгайиб боришига, минтақавий барқарорлик ва ҳавфсизлиқни мустақамлашга катта ҳисса қўшмоқдасиз.

Тожикистоннинг ШХТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга бўлган конструктив муносабатини ва республика раислигининг босқичларини мамнуният билан қайд этамиз, уларга барча аъзо давлатлар манфаати йўлида муҳим ташаббуслар ва самарали натижалар ҳосидир.

Жаноби олийлари, Сизга мустақам соғлиқ, фаровонлик ва раванқ, Тожикистон халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тила

Темурмалик ноҳиясида янги иншоотлар очилди

Президент мактаби

2 октябр куни Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон турли мақсадлардаги бир қатор иншоотлар очилишида иштирок этиш ва аҳолининг турмуш шароити билан танишиш мақсадида иш сафари билан Темурмалик ноҳиясига ташриф буюрди.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмон дастлаб Кангурт қишлоқ жамоатининг Дустий қишлоғида ватанпарвар тадбиркорлар Шамсулло ва Маҳмадзоҳир Соҳибовлар томонидан қурилган Президент мактабини фойдаланишга топширди.

Аслида ушбу таълим муассасаси ўрта умумтаълим учун мўлжалланган эди, лекин юқори даража ва сифатли қурилгани ҳамда жиҳозланганини ҳисобга олиб, Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон таълим шароитлари билан танишув чоғида, уни Темурмалик ноҳияси Кангурт ва Хусейнобод қишлоқ жамоатлари учун Президент мактабига айлантириш бўйича кўрсатма берди. Яна бир топшириққа кўра, барча ўқитувчилар ва ўқувчилар танлов асосида қабул қилиниши керак.

Шунингдек, Президент мактаби қошида 400 нафар ўқувчи учун ётоқхона ва 200 нафар кичкинтойлар учун мактабгача таълим муассасаси ҳам қурилиши бўйича топширик берилди.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонга муассасада яратилган шароитлар билан танишув чоғида, иншоот 700 нафар ўқувчини таълим-тарбия билан қамраб олишга мўлжаллангани ҳақида маълумот берилди.

Таълим биноси 3 қаватдан иборат бўлиб, 27та жиҳозланган синфхона, иш кабинетлари, 240 ўринли маданият зали, анъанавий ва юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган электрон кутубхона, волейбол ва баскетбол ўйинлари учун зал ва майдонча, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналарга эга.



Кутубхонада кўплаб ўқув ва бадиий адабиётлар мавжуд бўлиб, ундан ўқитувчилар ва ўқувчилар кенг фойдаланадилар.

Иншоот халқаро талабларга жавоб берадиган даражада қурилган, физика, химия, биология, акборот технологиялари ва бошқа фан кабинетлари ўқувчилар билимини шакллантиришга хизмат қилади.

Синфхоналар энг янги компютерлар ва интерактив жиҳозлар билан ҳам таъминланган.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон: - "Маориф давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишидир ва унга сармоя киритиш - мамлакат келажагига сармоя киритишдир", - дея таъкидлаб, ўқитувчиларни яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш ва билимли кадрлар тайёрлашга чакирди.

Иншоотнинг марказлашган иситиш тармоғи фаолияти қиш мавсумининг таълим жараёнига салбий таъсирининг олдини олади.

Муассаса ёнида ер ости қудуқлари қазилиб, сигими 50 кубометр ҳажмдаги ҳовузда ичимлик суви захира қилинади.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмонга муассасада таълим жараёни учта – тожик, рус ва инглиз тилларида йўлга қўйилгани маълум қилинди.

Шу билан бирга, машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун ёш ва тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган.

Таълим муассасасининг очилиши 2040 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Маориф соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, ёш авлоднинг ақлий салоҳиятини мустаҳкамлаш, саводхонлик даражасини ошириш ва таълим имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Аҳоли сонининг йил сайин ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, ушбу муассасада икки сменада 1500 нафар ўқувчини таълим-тарбия билан қамраб олиш учун шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни йўлга қўйишга қарор қилинди.

Иншоот ёнида қурилган спорт майдончаси соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқувчиларни жисмоний тарбияга кўпроқ жалб қилиш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва спортга бўлган қизиқишини орттиришнинг яхши воситаси ҳисобланади.

Иншоот ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, манзарали гул ва буталар ҳамда мевали дарахлар экилгани муассаса ва қишлоқ ҳуснига ҳусн бағишлаган.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон замонавий таълим муассасаси очилишини давлат ва хусусий секторнинг маориф соҳасидаги шерчилигининг ёрқин намунаси деб баҳолаб, ватанпарвар ва саховатпеша тадбиркорлар ака-ука Соҳибовларга ушбу олижаноб ташаббус учун миннатдорчилик билдирди, ўқитувчиларга билимли ва доно авлодни тарбиялаш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ижтимоий иншоотлар

Темурмалик ноҳиясида бунёд этилган ўрта умумтаълим муассасалари қошидаги қўшимча таълим бинолари, соғлиқни сақлаш иншооти ва ичимлик суви тармоғи Миллат пешвоси томонидан масофадан туриб очилган 4та муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий иншоотлардир.

Ушбу 4та иншоот маориф соҳасини ривожлантириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва аҳолининг тоза сувдан фойдаланиши учун қўлай замин яратади.

10-ўрта умумтаълим муассасаси қошидаги қўшимча бино замонавий дизайн ва юқори сифатда қурилган бўлиб, Чавроқ қишлоғи ўқувчилари қўлай шароитларда таълим олиши учун бунёд этилган.

Икки сменада 480 нафар ўқувчини таълим-тарбия билан қамраб олиш учун 10та синфхона, жиҳозланган фан кабинетлари ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларни эгаллашига хизмат қилади.

Худди шу лойиҳа асосида Гурдоварон қишлоқ жамоатининг Чашма қишлоғида 25-ўрта умумтаълим муассасаси қошида иккинчи қўшимча бино қурилган бўлиб, икки сменада 480 нафар ўқувчини таълим-тарбия билан қамраб олиш учун мўлжалланган.

Халқнинг турмуш даражаси яхшиланаётгани ва аҳоли сонининг йил сайин ортиб бораётгани боис, ушбу қишлоқда қўшимча таълим биноси қуриш зарурати юзага келди. Шу муносабат билан 25-ўрта умумтаълим муассасаси қошида қўшимча таълим биноси қуришга қарор қилинди. Муассаса иситиш тармоғига уланган бўлиб, синфхоналар ҳарорати мўътадил сақланади.

Ҳар иккала қўшимча бинода болаларни ривожлантириш маркази қурилган, у боланинг ақлий, руҳий ва ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин тутаяди.

Болаларнинг махсус ўқув машғулоти зарур кўргазмалари куруллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиб, уларни мактаб босқичига тайёрлайди.

Мамлакат Ҳукуматининг тиббиёт соҳасини ривожлантиришга эътибори доирасида Темурмалик ноҳияси Саломатлик марказининг туғуруқ, болалар, реанимация ва жарроҳлик бўлимлари таъмирланиб, соҳанинг кўп турдаги асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Эндиликда 40 нафар малакали шифокорлар энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Темурмалик ноҳияси Саломатлик мар-



казида таъмирлаш ва ускуналарни ўрнатиш ишлари Тожикистон Республикаси Ҳукумати қўллаб-қувватлаши ва ривожланиш бўйича ҳамкорларни жалб қилиш орқали амалга оширилган.

Туғуруқ, жарроҳлик, реанимация ва болалар бўлимларида бир вақтнинг ўзида 100 нафар беморни қабул қилиш кўзда тутилган.

Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан ушбу тиббиёт муассасасига тез тиббий ёрдам транспорти тақдим этилди.

Темурмалик ноҳиясида янги сув таъминоти тармоғи бунёд этилиши Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан масофадан туриб очилган энг муҳим иншоотлардан бири бўлди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга доир иккита лойиҳа саховатпеша тадбиркор Хабибулло Сулаймонов томонидан амалга оширилди.

Ноҳия маъмурий маркази — Баҳманрўд шаҳарчаси, Танобчи ва Гурдоварон қишлоқлари, Баҳодурон, Чашма, Заркамар, Гурондеҳ, Саидмуъминобод ва Танобчи боло маҳаллалари аҳолиси узоқ йиллар давомида сув танқислигидан азият чекар эди.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган эътибори туфайли ушбу муаммо бартараф қилинди.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши ватанпарвар аҳолининг Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг инсонпарварлик сиёсатини қўллаб-қувватлашининг ёрқин намунаси бўлиб, Темурмалик ноҳиясининг 30 минг нафар аҳолиси ушбу буюк неъматдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Яқин келажақда ноҳиянинг чекка қишлоқларида



яшовчи яна 5 минг нафар аҳоли 12 километргача бўлган масофадан тортиб келинадиган тоза ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилган.

Сув Сурхоб дарёсидан сигими 7 минг кубометр бўлган ҳовузда тўпланиб, аввал тиндирилади. Шу тарзда тозаланган сув яна замонавий ускуналардан фойдаланган ҳолда бир нечта тозалаш босқичларидан ўтади ва дастлаб турли нуқталарда қурилган 8та сув омборига ва улардан аҳоли хонадонларига етказиб берилади. Лойиҳавий кўрсаткичларга кўра, сув тортиш станциялари бир кеча-кундузда 4500 кубометргача сув тортиш қувватига эга. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида ҳар бир хонадонга ҳисоблагичлар ўрнатилади. Маҳаллий тадбиркор иншоот ва ускуналарни таъмирлаш, электр энергияси тўловларини тўлаш ва сув тортиш станцияларининг бошқа харажатларини ўз зиммасига олиб, сувдан фойдаланишдан йигилган маблағни бошқа ободончилик ишларига сарфлашни режалаштирган.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмон тадбиркор Ҳабибулло Сулаймоновнинг ташаббусини инсонпарварлиқнинг эзгу намунаси ва Ватан тараққиётига муносиб ҳисса, деб баҳолаб, масъулларга унинг номини давлат мукофоти тавсия этиш бўйича кўрсатма берди.

Марказий стадион

2 октябр куни Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон Хатлон вилоятининг Темурмалик ноҳиясига иш сафари доирасида Кангурт қишлоғида марказий стадионни фойдаланишга топширди.

Маълум қилинишича, иншоот соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппаратининг «Хукумат иншоотлари қурилиши дирекцияси» давлат муассасаси томонидан 18 миллион сомонидадан ортиқ маблағ эвазига қурилган бўлиб, 6000 ўринга эга.

2022 йилнинг август ойида Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириғига биноан, Кангурт қишлоғи марказида за-



монавий спорт ва соғломлаштириш иншооти қуриш бўйича ташаббус кўрсатилган эди. Иншоот 3 йил мобайнида маҳаллий ишчилар ва мутахассислар томонидан юқори сифатда ва меъморчилик талабларига риоя қилинган ҳолда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Стадион майдони 13 минг квадрат метрни ташкил этиб, иншоотнинг тўрт бурчагига футбол ўйинлари ўтказиш учун ёритиш чироқлари ўрнатилган.

Шу билан бирга стадионнинг икки қаватли биносида меҳмонлар, мураббийлар ва спорт шарҳловчилари учун 12та иш ва хизмат кўрсатиш хоналари ҳамда бошқа ёр-

дамчи иншоотлар бунёд этилган.

Янги спорт иншооти фойдаланишга топширилиши билан ушбу қишлоқнинг 10 нафар фуқароси иш жойи билан таъминланди.

Шу ерда Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон иккинчи лиганинг «Сурхоб» футбол жамоаси ёш спортчилари билан суҳбатлашиб, уларни спортни севиш, жисмоний ва руҳий чиникишга чакирди.

Таъкидлаш жоизки, Тожикистоннинг Бутунжаҳон футбол кунини нишонлаш борасидаги глобал ташаббуси мақсадларини амалга ошириш учун мамлакат шаҳар ва ноҳияларида замонавий спорт иншоотлари қурилмоқда, бу эса, футболни ва умуман, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва оммалаштиришга замин яратади.

Шу муносабат билан сўнгги 2 йил ичида Темурмалик ноҳияси шаҳарча ва қишлоқларида 8та спорт майдончаси, 6та спорт зали ва 4та давлат спорт мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда Хатлон вилоятида Тожикистон Республикасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Футболни ривожлантириш давлат дастури доирасида 130та иншоот, жумладан, Восе ноҳиясида 22 минг ўринли, Абдураҳмон Жомий ноҳиясида 10 минг ўринли, Шамсиддини Шохин ноҳиясида 6 минг ўринли ва Вахш ноҳиясида 5 минг ўринли замонавий стадионлар қурилиши давом этмоқда.

Давлат байроғи майдони

2 октябр куни Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон Темурмалик ноҳияси Кангурт қишлоғида яна бир байрам иншооти — Тожикистон Республикаси Давлат байроғи майдонининг очилиш маросимида иштирок этди.

Маълум қилинишича, Тожикистон Республикаси Давлат байроғи устуни баландлиги 65 метр, мато узунлиги 20 ва эни 10 метрни ташкил этади.

Давлат байроғи майдони Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллик байрами истиқболига Кангурт қишлоғининг саховатпеша тадбиркорлари ва аҳолиси, жумладан, Анвар Қурбонов, Шерхон Салимзода ва Каромат Абдиев томонидан бунёд этилган.

Давлат байроғи майдони замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган, ҳар бир фуқаро қалбида ватанпарварлик, Тожикистоннинг ёрқин келажагига умид ва ишонч ҳамда унинг миллий қадриятлари ва мустақиллик даври ютуқларидан фахрланиш ҳиссини янада оширади.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмон ноҳия ёшлари билан суҳбат чоғида уларни давлатнинг бугунги кунини ва келажагини қурувчи бунёдкор ва етакчи кучи, деб атади.

Миллат пешвоси ёшларни билим олиш, хорижий тилларни ўзлаштириш ҳамда Ватан тинчлиги ва оқсоқиллигини қадрлашга ҳидоят қилди.

Тожикистон Республикаси Давлат байроғи майдонида, шунингдек, аҳоли сайр қилиши учун замонавий фавворалар бунёд этилиб, қуёш панелларидан қувват олувчи замонавий чироқлар ўрнатилади.

Ушбу гузал маскан ва кўркам хиёбонда давлат рамзларига нисбатан садоқат ва чексиз муҳаббат белгиси сифатида турли маданий тадбирлар ўтказилади. Бу эса, мамлакат келажаги бунёдкорлари қалбида миллий ўзгирликни англаш туйғусини тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Давлат раҳбари муҳтарам Эмомали Раҳмон ушбу муҳим ишга ҳисса қўшган тадбиркорлар ва аҳолига сამимий миннатдорчилик билдирди.

Тадбиркор Анвар Қурбонов бунга жавобан Кангурт қишлоғи марказида 400 нафар кичкинтойлар учун мактабгача таълим муассасаси қуришга ҳам қарор қилганини маълум қилди.

"Ховар" ТМАО.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУЊБАТ

7 октябр куни Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси мухтарам Эмомали Рахмоннинг Россия Федерацияси Президенти мухтарам Владимир Путин билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Россия Президентини тугилган куни муносабати билан самимий табриклаб, ўзининг энг яхши ва самимий тилакларини изҳор этди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат асосида мухтарам Владимир Путиннинг икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қўшган салмоқли ҳиссасини таъкидлади.

Икки мамлакат раҳбарлари дўстона суҳбат давомида давлатлараро мулоқотнинг давом этиши ва бу жараённинг янада ривожланишини олқишлади.

Шунингдек, Душанбеда бўлиб ўтдиган бўлғуси олий даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар кун тартиби муҳокама қилинди.

БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАР ИМЗОЛАНДИ

1 октябр куни Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси мухтарам Эмомали Рахмон Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндлар мажлиси ва Миллий мажлиси томонидан қабул қилинган ва қўллаб-қувватланган қонунларни имзолади.

«Фуқаролик тўғрисида»ги конституцион қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Миллий мажлиси аъзоси ва Намояндлар мажлиси депутатининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги конституцион қонунлар, Тожикистон Республикасининг «Ўрта касбий таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Деҳқон (фермер) ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Аҳолининг экологик маърифати тўғрисида»ги ва «Давлат божи тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

Имзоланган қонунлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, қонун устуворлиги ва Тожикистон халқи фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган.

Қонунларнинг тўлиқ матни матбуотда чоп этилади.

“Ховар” ТМАО.

◀ Бошланиши 1-бетда.

Мавлоно Жалолиддин Балхӣи «Маснави маънавий» ва бугунги кунда дунё аҳли «Девони кабир» номи билан таниб, мутлоаа қилаётган ғазалларини битди, Абдурахмон Жомӣи назмий асарлари ва бебаҳо «Баҳористон»и билан тожик тили ҳашаматини юксалтирди, Сайидо ва Аҳмад Дониш, устод Садриддин Айний ва бошқа буюк мутафаккирлар юксак мазмунли асарлари билан тожик тили барқарорлиги йўлида тарихий ишларни амалга оширдилар.

Айтиш керакки, тожик тили гарчи асрлар давомида ҳаммаша илм, адабиёт ва маданият тили бўлган бўлса-да, бир минг бир юз йилдан ортиқ вақт ўтгач, яъни мустақиллик давридагина расмий давлат тили сифатида ўз аслий мақомига эга бўлди.

Бугунги кунда давлат тили тожик мустақил давлатининг энг муҳим руқнларидан бири сифатида эътироф этилган.

Айнан, давлат мустақиллиги тожик тили тараққиёти йўлидаги мавжуд сунъий чекловларни бартараф этиб, унинг эркин ривожланишини таъминлади.

Мамлакат Ҳукумати бугунги кунда халқимизнинг қўллаб-қувватлаши билан давлат тилини ривожлантириш ва унинг қўлланиш қўламини кенгайтириш учун барча зарур шароитларни яратди.

Айни пайтда мамлакатда Тожикистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни муваффақиятли, босқичма-босқич ва изчил амалга оширилмоқда.

Давлат тилидан илму маърифат, маданият соҳалари, оммавий ахборот воситалари, инновацион ва технологик марказлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аҳоли пунктлари номланиши ва бошқа йўналишларда мамлакат Ҳукумати диққат марказидадир.

Бугунги кунда тожик тили нуфузли ички ва халқаро анжуманлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарларидан янграмоқда.

Ушбу ҳолат мустақил Тожикистон давлат тилининг жаҳон миқёсидаги макъайдан далолат беради, бу эса, ҳар бир миллатсевар ва ватанпарвар инсон учун фахр ва ғурурланиш боисидир.

Шу билан бирга, шиддатли глобаллашув даври, турли маълумотларнинг мислсиз тарқалиши, ахборот-коммуникацион техно-

логиялар ривожланиши, бегона маданият ва тиллар таъсири шароитида миллий тил аслиятини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, тожик тили тараққиётини таъминлаш, уни жаҳон илмий, техник ва технологик инновациялари билан ҳамқадам қилиб куриш ҳам муҳим вазифалардандир.

Бундай шароитда олим ва донишмандлар вазифаси тилимиз қудрати ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда, турли соҳалар мантиқи ва мазмунига мос келадиган янги сўз ва атамалар яратиб, қўлланишга жорий этишдан иборатдир.

Агар ҳозирдан инновация ва технологиялар тилини давлат тилига мослаштириш ҳақида ўйла-

масак, нафақат, нутқ санъати ва маданияти, балки она тилимиз равонлиги, покизалиги ва ғўзаллиги ҳамда адабий тил меъёрлари салбий таъсир остида қолиши мумкин.

Азиз ватандошлар!

Давлат тилини ўрганиш ва қадрлаш бараварида хорижий тилларни билиш

масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур.

Зеро, хорижий тиллар орқали қадимий тожик миллий тарихи, тамаддуни ва мустақил Тожикистон давлати ютуқларини бутун дунёга янада яхшироқ таништиришга муяссар бўлаемиз.

Хусусан, рус ва инглиз тилларини ўрганишга биринчи даражада эътибор бериш зарур.

Чунки мазкур тиллар жаҳон тиллари жумласидандир.

Агар биз мамлакатимизнинг келгусидаги илмий, техник ва технологик тараққиётини таъминлашнинг хоҳласан, фарзандларимиз хорижий тилларни яхши ўрганиши ва ривожланган давр талабларига жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишиши учун шароит яратилиши керак.

Шу билан бирга, давлат тили орқали хорижий тилларни ўрганиш ва уни аъло даражада билишни йўлга қўйиш кераклигини таъкидламоқчиман.

Шунингдек, биз китобхонликка доимий эътибор қаратишимиз керак, зеро китоб ўқиш, биринчи на-

вбатда, тил билиш ва маърифатлилик даражасини ошириш ҳамда инсон дунёқараши кенгайтиришга сабаб бўлади.

Аминманки, тожик миллиятининг ҳар бир ўзлигини англаган ор-номусли фарзанди бундан буён ҳам давлат тилини ҳимоя қилиш, уни пок ва беғубор сақлаш ҳамда латиф ва шоирона тожик тилидан фойдаланиш доирасини кенгайтириш учун саъй-ҳаракат қилади.

Шунингдек, илм аҳли, адиб ва санъаткорлар ҳам ажодларимизнинг она тилини сақлаш ва абадийлаштириш борасидаги эзгу тажриба ва анъаналарини давом эттириб, уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга янада кўпроқ ҳисса қўшади.

Тилимиз миллатимиз каби дунёдаги энг қадимий тиллардан бири бўлиб, қадимий халқимизнинг тарихи ва маданий мероси, жумладан, Наврўзи олти минг йилликдан ортиқ тарихи билан акс эттиргани ва бизнинг замонамизгача асраб келганини ҳаммаша ёдда тутмоғимиз лозим.

Наврўз, бошқа урфу

одатлар ва миллий анъаналаримиз Ватан ва онага муҳаббат сингари қалбимиз тубидан жой олган ва биз уларни асраб-авайлашимиз ва ривожлантиришимиз керак.

Яна бир марта эслатиб ўтмоқчиманки, тил, миллат ва давлат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат устуворлиги, миллат умри боқийлиги ва миллий ўзликини англаш тил воситасида таъминланади.

Тил бебаҳо гавҳар, ифтихор манбаи ва ажодларимиздан мерос қолган энг олий миллий қадриятдир ва биз уни келгуси авлодларга сайқалланган, такомиллашган ва покиза ҳолда мерос қолдиришимиз керак.

Яна бир марта Тожикистоннинг шарафли халқини Давлат тили куни билан самимий табриклаб, мамлакатимизнинг ҳар бир хонадонига бахт-саодат, тинчлик ва рўзгор ободлиги тилайман.

Давлат тили куни муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

“Ховар” ТМАО.

Кузги даъват - 2025

ҲАРБӢЙ ХИЗМАТГА САФАРБАРЛИК

Ҳарбӣй хизматга бориш ўзлигини англаган ҳар бир йигитнинг фуқаролик масъулияти ҳисобланади. Йигитлар Қуролли Кучлар сафига қўшилиш орқали Она-Ватан олдидаги фарзандлик вазифалари ва муқаддас бурчларини адо этадилар.

2025 йилнинг 1 октябрдан республика ҳудудида “Чақирилувчи куни” тадбирларини ташкил қилиш орқали фуқароларнинг Тожикистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кузги чақируви тантанали равишда бошланди. Чақириқ ёшидаги юзлаб йигитлар ўз ҳудудларидagi ҳарбӣй комиссариатларда ҳозир бўлиб, халқу Ватан хизматиға тайёр эканликларини билдирдилар.

Анъанаға кўра, илк чақириқ кунида Тоғли Бадахшон мухтор вилояти белгиланган режани 101 фоиз бажарди. Шунингдек, Норақ шаҳри, Хатлон вилоятининг Вахш, Балжувон ва Сангвор ноҳиялари ҳам биринчилардан бўлиб чақириқ режаси бажарилгани ҳақида ҳисобот бердилар.

Шундай қилиб дастлабки чақириқ кунида режа ижроси республика бўйича 55 фоизни ташкил этди.

Фуқароларни мамлакат Қуролли Кучлари сафига чақириш ва хизмат муддатини ўтаган аскарларни захираға кузатиш Тожикистон Республикаси Президентининг “Белгиланган муддатда ҳарбӣй хизматни ўтаган ҳарбӣй хизматчиларни захираға кузатиш ва 1998-2007 йилларда туғилган Тожикистон Республикаси фуқароларининг ҳарбӣй хизматга навбатдаги чақириғи тўғрисида”ги фармони асосида йўлга қўйилади.

Шунга боғлиқ равишда, айни дамда вилоятлар, шаҳар ва ноҳиялар ҳарбӣй комиссариатларида давлат ҳокимияти ижроия органларининг тегишли бўлимлари



масъуллари ҳисобидан чақириқ комиссияси ташкил қилинган. Ушбу муҳим сиёсий маъракаға бириктирилган шахслар жорий йилнинг октябр ва ноябр ойлари давомида фуқароларни мажбурий ҳарбӣй хизматга сафарбар этиш маросимини зарурий даражада ташкил қиладилар.

Қайд этиш керакки, ҳар йили Тожикистон Республикасида 18-27 ёшдаги эркак фуқаролар икки мавсумда, жумладан, апрел-май ва октябр-ноябр ойларида мажбурий ҳарбӣй хизматга чақирилади.

Шунингдек, Миллий армиянинг ҳарбӣй қисмлари, мамлакат куч ишлатар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига қарашли ҳарбӣй тузилмаларда белгиланган ҳарбӣй хизмат муддатини ўтаган аскарлар жорий йилнинг октябр-ноябр ойлари давомида босқичма-босқич захираға кузатилади.

Илҳом АЛИЗОДА,
Тожикистон Республикаси Мудофаа
вазирлигининг Матбуот ва ахборот
маркази бошлиғи, капитан.

3 октябр куни Душанбе шаҳридаги «Суруш» саройида Ёшлар билан ишлаш ва спорт комитети ташаббуси билан Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллиғи шарафига “Чавонони Тоҷикистон” газетаси давлат муассасаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Тараннуми Ватан” республика танловининг учинчи босқичи тақдирлаш маросими ўзига хос шукӯҳ ва тантана билан бўлиб ўтди.

Танловнинг тақдирлаш маросимида Тожикистон Республикаси Ҳукумати хузуридаги Ёшлар билан ишлаш ва спорт комитети раиси Зулфиқор Гулаҳмадзода, Душанбе шаҳри раисининг ўринбосари Абдурахмон Абдурахмонзода, вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари, ҳарбӣй қисмлар офицер ва аскарлари, талабалар ва танлов ғолиблари ҳамда иштирокчилари иштирок этишди.

Ўз нутқида Ёшлар билан ишлаш ва спорт комитети раиси Зулфиқор Гулаҳмадзода танловнинг ўтказилиши фуқароларнинг ватанпарварлик ҳиссини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бундай танловлар ёшларнинг ўзини англаш ҳиссини ошириш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида ватанпарварлик туйғусини тарғиб қилиш ва тарбиялашга замин яратиши мумкинлигини айтди.

- Танловдан мақсад аҳолининг ўзликни англаш ҳиссини ошириш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида ватанпарварлик туйғусини тарғиб қилиш ва тарбиялаш, сарҳадлар дахлсизлигини сақлаш, умуммиллий бирлиكنи таъминлаш, давлат мустақиллигидан фахрланиш ва усиб келаётган ёш истеъодларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборат эди. Танловда жамиятнинг барча қатламлари вакиллари, 2 ёшли боладан тортиб 70 ёшли нуронийгача фаол иштирок этиб, ўзларининг ватанпарварлик туйғуларини шеър ўқиш орқали жамиятга тақдим этганликлари қувонарлидир. Шунинг ўзи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалби ватанпарварлик ва Ватанга садоқат туйғусига тўла эканлигининг кўрсаткичидир, - дея қўшимча қилди комитет раиси.

Шундай қилиб, “Тараннуми Ватан” республика танловининг III босқичи ғолиблари қуйидагича аниқланди:

УЧИНЧИ ЎРИН ҒОЛИБЛАРИ.

Ўсмирлар ўртасида:

1. Давлатбекова Шаббода, Тоғли Бадахшон мухтор вилояти Дарвоз ноҳиясидан;

2. Нурзода Абдурахмон, Суғд вилояти Истиклол шаҳридан;

3. Ёсуман Шарифзода, Душанбе шаҳридан.

14 ёшдан катталар ўртасида:

1. Марзия Сулаймонова, Ваҳдат шаҳридан;

2. Каримазода Шаҳром, Сино ноҳиясидан;

3. Ражабали Имомиён, Бохтар шаҳридан.



«Тараннуми Ватан»

Барчани Ватанга муҳаббат доирасида бирлаштирган республика танловининг учинчи босқичи якунланди



ИККИНЧИ ЎРИН ҒОЛИБЛАРИ.

Ўсмирлар ўртасида:

1. Дилором Ҳалимзода, Душанбе шаҳридан;



2. Шодмонӣ Назирова, Панжакент шаҳридан.

14 ёшдан катталар ўртасида:

1. Саодат Шарифзода, Сино ноҳиясидан;

2. Малика Муҳиддинзода, Бўстон шаҳридан.

БИРИНЧИ ЎРИН ҒОЛИБЛАРИ.

Ўсмирлар ўртасида:

1. Робия Содиқова, Қўшонӣён ноҳиясидан.

14 ёшдан катталар ўртасида:

1. Искандаров Юсуфжон, Айний ноҳиясидан.

Танловнинг асосий ғолиблари диплом ва пул мукофотлари билан биринчи ўрин учун 10 000 сомоний, иккинчи ўрин учун 7 000 сомоний ва учинчи ўрин учун 5 000 сомоний миқдорида тақдирландилар.

Шунингдек, ушбу босқичда танловнинг 20 нафар фаол иштирокчиси (ўсмирлар ўртасида 5 нафар ва 14 ёшдан катталар ўртасида 15 нафар) Фахрий ёрлиқ ва 1000 сомоний миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирландилар. Фаол иштироки учун яна 10 нафар ўсмирга Ташаккурнома ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

Исмоил САИДОВ,
«Халқ овози».

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида агросаноат салоҳияти: умумий бозор ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари улкан агросаноат салоҳиятига эга бўлиб, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун умумий бозор яратиш ва ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари кун тартибиде турибди. Мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тармоқларни интеграция қилиш ва янги бозор имкониятларини кашф этиш йўлида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларга интилоқда.

МДХ: ягона бозор сари қадам

Ҳозирги глобал геоиқтисодий вазиятда давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, нафақат, ресурслар, балки технология ва бозорлар миқёсида ҳам янги мазмун касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш эҳтиёжи ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Жаҳон бозорларидаги ноаниқликлар, санкциявий босимлар, транспорт ва логистика занжирларидаги узилишлар собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларни яқин иқтисодий ҳамкорликка қайтишга ундамоқда. Масалан, Европа ва Осиё ўртасидаги анъанавий транзит йўлакларининг чекланиши натижасида, Қозғистон, Россия ва Озарбойжон каби давлатлар орқали ўтувчи "Марказий Евроосиё транспорт коридори"га қизиқиш кескин ошди. Бу йўналиш, нафақат, саноат, балки агросаноат маҳсулотлари айланмиси учун ҳам катта стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу мақсадда, МДХ давлатлари ҳозирда умумий аграр бозор яратиш ғоясини амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб бормоқда.



Бу бозор доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари, уруғчилик, ўғитлар, техник воситалар ва агросаноат хизматларининг эркин айланишини таъминлаш режалаштирилган. Бироқ бу жараён ҳали тўлиқ шаклланмаган: техник регламентлар, стандартлар ва логистика қоидалари бўйича турли хил меъёрлар мавжуд. Шунинг учун ҳам, 2023 йилдаги Минск саммитида давлат раҳбарлари "Озиқ-овқат хавфсизлиги ва агросаноат интеграцияси бўйича ягона платформа" яратиш ташаббусини қўлаб-қувватлади.

Бу ташаббуснинг мазмуни — озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш занжирларини яхшилаш, транспорт ва божхона жараёнларини рақамлаштириш, қўшма стандартлар ва сифат тизимини жорий этишдан иборат.

МДХ Иқтисодий кенгаши ҳузурида ташкил этилган агросаноат ишчи гуруҳи мазкур соҳада ягона сиёсат ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Бу эса, келгусида интеграциянинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Аслида, МДХ умумий бозори ғояси — фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳам муҳим воситасидир. Агар мамлакатлар ресурслар ва бозор имкониятларини ўзаро мувофиқлаштирсин, бу минтақада нархларнинг кескин ўзгариши, маҳсулот танқислиги ёки логистикадаги инқирозларга қарши қафолат яратади. Шу боис, иқтисодий интеграция фақат савдо эмас, балки барқарор ривожланишнинг асосий омил сифатида қаралмоқда.

Шу тариқа, МДХ умумий бозорига қадам қўйиш — бу, нафақат, янги иқтисодий формат, балки ҳар бир давлат учун озиқ-овқат хавфсизлиги, инновацион тараққиёт ва барқарор ҳамкорлик сари стратегик йўналишидир.



Агросаноат салоҳияти — иқтисодий интеграциянинг асоси

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари умумий майдони, табиий ресурслари ва меҳнат салоҳияти жиҳатидан дунёдаги энг йирик агросаноат маконларидан бири ҳисобланади. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар жами 400 миллион гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан, 100 миллион гектарга яқин сугориладиган

даги савдо ҳажми 1,5 баробарга ошди. Агар 2017 йилда умумий аграр савдо айланмиси 25 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 38 миллиард долларга етди.

Аграр соҳанинг яна бир муҳим жиҳати — унинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролидир. Санкциялар, энергия нархлари ва транспорт тўсиқларига қарамай, қишлоқ хўжалиги МДХ мамлакатларининг ЯИМида 2020–2024 йиллардаги ўртача 4,5 фоиз ўсиш суръати билан энг барқарор тармоқ сифатида намоён бўлди. Масалан,

божхона сарфларини қисқартиради.

Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари, уруғчилик ва ўғитлар соҳасидаги санитария ва фитосанитария меъёрларини яқинлаштириш муҳим. Ҳозирча бу соҳада 15дан ортиқ миллий стандарт мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўзаро фарқ қилади. Шу сабабли, 2025 йилдан бошлаб, МДХ ҳудудида ягона агростандартлар реестри яратиш режалаштирилган.

Рақамли трансформация ва савдо тизимларини янгилаш

Агросаноат соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш ҳамкорликдаги интеграциянинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Рақамли трансформация, нафақат, ишлаб чиқариш, балки савдо, логистика ва маҳсулот трассировкасида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Агросаноат интеграциясининг яна бир муҳим йўналиши — технологиялар трансфери ва илмий ҳамкорлик. Ҳозирги кунда қатор давлатлар қўшма илмий марказлар ташкил этиб, уруғчилик, агрохимия ва озиқ-овқат саноатидаги инновацияларни биргаликда жорий этмоқда.

Савдо, технология ва стандартлардаги уйғунлик — бу МДХнинг умумий аграр бозори пойдевори.

Агар ушбу соҳаларда яқинлашув тизимли равишда давом этса, келгусида минтақада бешта устувор натижа кузатилиши мумкин:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларининг эркин ҳаракатланиши;
2. Маҳсулот сифатининг бир хил стандартда кафолатланиши;
3. Рақамли савдо тизими орқали шаффоф ва тезкор операциялар;
4. Илмий ва технологик инновацияларнинг тез тарқалиши;
5. Инфратузилманинг умумий ривожланиши.

Натижада, агросаноат соҳаси, нафақат, иқтисодий ўсишни таъминлайди, балки МДХ давлатларини умумий иқтисодий макон сифатида янада бирлаштиради.

МДХ мамлакатларининг агросаноат салоҳияти катта, аммо унинг тўла потенциали ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Буни экспертлар ҳам таъкидлашмоқда: сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми ва технологик ҳамкорлик ўсса-да, интеграциянинг чуқур иқтисодий модели ҳали тўлиқ шаклланмаган. Демак, келгусида МДХни ягона аграр макон сифатида ривожлантириш — барча иштирокчи давлатлар учун стратегик вазифадир.

Келгусидаги энг муҳим йўналишлардан бири — МДХ доирасида умумий аграр бозор концепциясини амалга оширишдир. Бу бозор, нафақат, товар айланмасини эркинлаштиради, балки умумий стандартлар, сертификатлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва логистика тизимларини ҳам бирлаштиради.

Бу йўналишда "бир хил қонун, бир хил сифат, бир хил бозор" тамойили асос қилинаётгани тасодифий эмас. Агар бу тизим ишласа, МДХ ҳудудида маҳсулот етказиб



бериш муддати 30 фоизга қисқаради, нарх барқарорлиги таъминланади ва давлатлар ўртасидаги савдо салоҳияти камида икки баробар ошиши мумкин.

Бундай бозорнинг амалга ошиши, нафақат, иқтисодий самара, балки ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлайди. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси глобал миқёсда тобора долзарб бўлаётган бир пайтда, МДХ давлатларининг ўзаро маҳсулот айирбошлаш имконияти аҳолини арзон ва барқарор озиқ-овқат билан таъминлайди.

Ягона бозорни яратиш билан бирга, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳам устувор вазифа бўлиб қолмоқда. МДХ давлатларида агросаноат инфратузилмасини модернизация қилиш учун йиллик 15–20 миллиард долларлик сармоя зарурлиги қайд этилган.

Шу мақсадда, 2025–2030 йилларга мўлжалланган "CIS Agro2030" дастури доирасида қўшма агросаноат фондлари ташкил этиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва илмий марказларни қўлаб-қувватлаш режалаштирилган. Бу лойиҳалар аграр стартаплар, биотехнология ва озиқ-овқатни қайта ишлаш соҳаларидаги тадқиқотларни қамраб олади.

МДХнинг барча мамлакатларида куёш ва шамол энергетикаси потенциали катта — уларни аграр ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш келгусида маҳсулот таннархини пасайтиради, экспортда экологик "яшил" сертификатларни осонроқ олиш имконини беради.

Бугун дунё бозорига "экологик тоза маҳсулот" бренди катта аҳамият касб этганини ҳисобга олсак, бу йўналишдаги ҳамкорлик барча давлатлар учун фойда келтиради.

Аграр ривожланишнинг яна бир истиқболли йўналиши — бу илмий интеграция ва кадрлар алмашинуви.

МДХдаги етакчи аграр университетлар, хусусан, Тошкент Давлат аграр университети, Қозғистон Миллий аграр университети, Минск аграр академияси ва Россия Давлат агроуниверситетлари ўртасида "CIS AgroEducation Network" ташаббуси ишга туширилади.

Бу лойиҳа доирасида талаба ва илмий ходимлар ўзаро тажриба алмашади, агротехнологик тадқиқотлар умумий платформада олиб борилади. Натижада, яқин келажда "аграр билимлар макони" яратилиши кутилмоқда — у илмий натижаларни тез татбиқ этиш ва инновацияларни умумий манфаатга йўналтириш имконини яратади.

МДХдаги агросаноат интеграцияси фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга. У минтақадаги давлатлар ўртасида ишонч, ўзаро боғлиқлик ва барқарор ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлайди.

Бугун жаҳонда хом ашёга таянган иқтисодиётлардан инновация ва хизматларга асосланган моделга ўтиш жараёни кечаётган бир пайтда, МДХ давлатларининг агросаноат соҳаси ҳам шундай янгиланиш жараёнига қадам қўймоқда.

Умуман олганда, МДХ мамлакатларининг агросаноат салоҳияти улкан — у, нафақат, иқтисодий, балки геостратегик аҳамиятга ҳам эга. Агар ҳамкорликдаги илоҳотлар изчил давом эттирилса, келгусида минтақа озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мустақил макон, экспорт салоҳияти юқори ҳудуд ва инновацион агротехнологиялар марказига айланиши мумкин. Зеро, барқарор ривожланиш ва умумий бозор ғояси — фақат иқтисодий эмас, балки умумий тараққиёт ва фаровонлик сари қўйилган ягона қадамдир.



Иброҳим АБДУРАҲМОҶОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири.



Зафар кучган пахтакорлар

Хатлон вилояти раиси Давлатали Саид Левакант шахри Гулистон жамоатида пахта режасини ўз вақтида бажарган 18та пахтакор деҳқон хўжаликлари раҳбарларини рағбатлантирди.

Вилоят раисининг айтишича, бу йил деҳқон хўжаликларида пахта ҳосилдорли-



ги юқори, чунки миришкорлар сув захира-лари, сифатли уруғлик ва ҳалол меҳнат билан бу натижага эришишган.

Давлатали Саид кишлоқ хўжалиги соҳаси масъулларига чеккан тинимсиз заҳматлари учун миннатдорлик билдириб, бу каби саломатли ютуқлар хўжалик юртишнинг бошқа соҳаларида ҳам бўлишини таъкидлади.

Кутубхона фойдаланишга топширилди

Хатлон вилояти раиси Давлатали Саид ва вилоят шахру ноҳиялари бош-ликлари иштирокида "Шамсиддин Шохин номидаги Хатлон вилояти ом-мавий кутубхонаси" давлат муассаса-си қайта таъмирлангач, фойдаланишга топширилди.

Лойиха 2025 йил - "Китобхонлик мада-нияти йили" чора-тадбирлари режаси до-ирасида давлат ҳокимияти вилоят ижроия органи ва "Қуръат" республика жамоатчи-лик ташкилоти қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилди. Қайта таъмирлаш ишла-рига 3,5 миллион сомоний сарфланди.

Қайта таъмирлаш натижасида кутубхо-на замонавий ахборот марказига айланди. Янги хизмат кўрсатишни автоматлашти-риш бўлимида йиғирматга компютер интер-нетга улашиб, 200 мингдан ортиқ электрон китоблар ўқувчилар ихтиёрига топширил-ди. Кутубхоначи ва ўқувчилар зарур кито-бларни рақамли тизим орқали топиб, муто-лаа қилишлари мумкин.

Кутубхонанинг янги тизими республика миқёсида биринчи тажриба ҳисобланиб, иккинчи босқичда сунъий интеллект орқали фаолият юритиши кутилмоқда. Бу эса, ҳар бир ўқувчи кутубхона хизматларидан бир-рор қийинчиликсиз фойдаланиш имконини яратди. Ушбу тажриба келгусида мамла-катнинг бошқа кутубхоналарида ҳам жорий этилади.

"Мен ҳарбий хизматга бораман"

Тожикистон Халқ де-мократик партиясининг Хатлон вилояти Ижро-ия комитети ва "Созан-дағони Ватан" ("Ватан бунёдкорлари") ёшлар жамоатчилиги ташкилоти ҳамкорлигида вилоятда "Мен ҳарбий хизматга бо-раман" номли партиявий ташаббус йўлга қўйилди.

Ташаббусдан кўзланган мақсад - кузги қаҳриқда Тожикистон Халқ де-мократик партиясининг Хатлон вилояти шахар ва ноҳияларидаги ижроия коми-тетлари томонидан ёшларни мамлакат Кўролли кучлари сафларига қўнгилли жалб этишдан иборат. Ушбу ташаб-бусда партиянинг Бохтар минтақаси шахру ноҳияларидаги ижроия комитет-лари томонидан ҳарбий хиз-матга жалб қилинган қўнгилли ёшлар қатнашишди. ТХДПнинг Хатлон вилояти Ижроия коми-тети раиси Жамшед Саидзодан-нинг таъкидлашича, ёшларни жасорат, мардликка чорлаш, ватанпарварлигини ошириш ҳамда она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини юксалти-риш мақсадида, партиянинг Хатлон вилояти Ижроия коми-тети доимий равишда шу каби ташаббуслар ва сиёсий-мада-ний тадбирларни амалга оши-ради.

- Чиндан ҳам, мамлакат сарҳад-ларини қўриқлаш, давлат манфаат-ларини ҳимоя қилиш, мустақиллик ютуқлари, хавфсизлик ва юртимизнинг муҳофаазий салоҳиятини мустаҳкам-лаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи саналади. Қувонарлиси, бугун давлат мустақиллиги асосида ҳамда давлат ва мамлакат Ҳукумати раҳбари-нинг доимий саъй-ҳаракати билан ҳар-бий қисмларда озиқ-овқат таъминоти, машқ ва яшаш учун шароит яхши йўлга қўйилган, - деди у.

Театрда янги мавсум

Бохтар шахри Ато Муҳаммаджо-нов номли вилоят мусиқа-сатира те-атрида янги театр мавсуми расман бошланди. Янги театр мавсуми очи-лиш маросимида дастлаб "Бемори зўракӣ" ("Мажбурий бемор") спек-такли намойиш этилди.

Саҳна режиссёри Тожикистон Халқ артисти Бурҳониддин Ражабов бўлган ушбу спектакл машҳур француз драма-турги Жан-Батист Мольер асари асоси-да саҳналаштирилиб, ёш актёр Отаҳон Саидзода ташаббуси билан мухлис-лар диққатига ҳавола қилинди.

Спектакл Тожикистон Халқ арти-сти, Абу Абдуллоҳ Рӯдакий номидаги Давлат мукофоти лауреати Ато Муҳам-маджонов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан тайёрланиб, унинг юсак хизматларига ҳурмат бажо келти-риш мақсадида саҳнага олиб чиқилди.

Театрдаги янги мавсум ўзгача кай-фият ва қизиқарли дастурлар билан бошланиб, санъаткорлар янги ва маз-мунли спектакллар билан томошабин-лар қалбини забт этишга бел боғлаш-ган.

Ўз мухбир.

Ўтюррак йигитлар – Ватан хизматиға!

Хўжанд яқинидаги тарихий Арбоб қа-сри амфитеатрида вилоят йигитларининг дастлабки гуруҳини тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиш маросими бў-либ ўтди.

Унда вилоят раиси Ражаб Аҳмадзода сўзга чиқар экан, жумладан, ҳарбий хизмат-ни ўташ ҳар бир йигитнинг ватанпарварлик бурчи, ҳарбий қисмларда шароити янада яхшилаш учун зарур тадбирлар қўрилаётга-ни.



ни, минглаб ўтюррак ёшлар қўнгилли равишда Қўролли кучлар сафига отланаётганликларини гапирди. У ҳарбий хизматга қаҳриқдан олдин тарғибот-тушунтириш ишларининг кенг йўлга қўйилгани, қўпчилик йигитлар ҳар-бий хизматда асқотадиган муҳим касбларга ўргатилгани яхши натижа берганини ва даъ-ватнинг дастлабки қўнлариданоқ 3500 на-фар оловқалб Ватан қорловига лаббай деб жавоб берганини изҳор этди.

Ҳарбий хизматга қаҳриқнинг дастлабки қўнлариданоқ, бир қатор кишлоқ жамоатла-рида режанинг бажарилгани борасида хуш-хабар беришди. Жумладан, ҳар йилгидек Исфара шахрининг Чорқўҳ ва Ворух кишлоқ жамоатлари қаҳриқ режасини бажарди. Шунингдек, Панжакент шахрининг Халифа Ҳасан, Хурми, Шинг ва Саразм, Гулистон шахрининг Адресмон ва Зарнисор, Зафа-робод ноҳиясининг Меҳнатобод, Мастчоҳ ноҳиясининг Сугдиён ва Навбахор кишлоқ жамоатлари йигитларининг дастлабки кун-даёқ юзлари ёруғ бўлди.

Вилоят раиси ота-оналарга ватанпар-вар, жасур фарзандлар тарбиялаганликла-ри учун миннатдорчилик билдирди.

Ота-оналар ўғилларига нон тишлаши маросимини ўтказиб, уларга Ватан хизмати йўлида қатъий интилиб, мамлакат каби ои-лани қўриқлаш йўлида ҳам омад тилашди. Ҳарбий хизматга отланган йигитлар ўла-ридан олдин хизмат қилиб қайтган акалари ўғитига жон деб қўлоқ туттишди. Уларга сер-мазмун концерт дастури кўрсатилди.

Устозлар эъзода

Хўжанд шаҳридаги Сугдиён мадани-ят қасрида Ўқитувчилар кўни муносабати билан байрам тантанаси ўтказилди.

Ёшларга таълим-тарбия беришда чар-чамаётган устозларни табриклаш учун ви-лоят раисининг ўринбосари Жамшед Жўра-зода, вилоят маориф бошқармаси бошлиги Гулсара Мирзозода, вилоят маориф ва илм ҳодимлари касаба иттифоқи раиси Мусабек Самизода ташриф буюришди.

Жамшед Жўразода вилоят раиси Ра-жаб Аҳмадзоданинг байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, у муаллимларнинг ёш авлодга таълим бериш йўлидаги қўнчан

меҳнатларини алоҳида таъкидлади. Ана шу меҳнат натижасида вилоят мактабларида таълим олаётган юз-лаб ўқувчилар халқроқ, республика олимпиадаларида ғолиб чиқиш-моқда. Мактаб битирувчилари фақат Тожикистондагина эмас, балки дунё-нинг бошқа мамлакатларидаги ну-фузли олий ўқув юртларида таълим олишмоқда. Ҳукумат эса, ўқитув-чиларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш учун янги-янги ғамхўрликлар қилмоқда. Жорий йилда улар-нинг иш ҳақи 30 фоизга оширилгани бунга бир мисолдир.

Вилоятда ўқувчилар сони ошиб бораётганлиги ҳисобга олинган ҳолда, янги макта-блар қад тикламоқда. Қўшим-ча синфхоналар қуришмоқда. Мактабларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланмоқда, замонавий компютерлар, элек-трон ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Тантанали тадбирда 120 нафар фаол муаллим ва 31 нафар соҳа меҳнат фаҳрийсига вилоят раисининг эсдалик совғалари, Тожикистон маориф ва илм ҳодимлари касаба иттифоқи, вилоят маориф бошқармаси ва вилоят касаба иттифоқи кенгашининг Ифтихорнома ва раҳматномалари топширилди.

Муҳим мавзулар кўтарилди

Вилоят раиси Ражаб Аҳмадзода Ко-нибодомда шаҳар раҳбарлари, тегишли тизимлар вакиллари, кишлоқ жамоатла-ри раислари, пахта тозалаш қорхоналари мутахассислари, фаоллар иштирокида ишчи мажлиси ўтказди.

У аввало йирилганлар эътиборини қи-шлоқ хўжалиги мавсумини самарали якун-лаш, пахта теримини тез ва нобудгарчили-кларсиз ўтказишга қаратди. Пешона тери эвазига ҳосил бўлган қимматбаҳо хом ашё-ни ёғинли қўнларга қолдирмасдан, тез териб олишни таъкидлади.

Конибодом шаҳри раиси Даврон Зоҳи-дзода ҳисобот берар экан, турли касбдаги кишилар, маҳалла фаоллари, Тожикистон Демократик партияси аъзоларининг пахта йиғим-теримиде деҳқонларга яқиндан ёрдам беришаётганини айтди.

Шунингдек мажлисда мамлакат му-стақиллигининг 35 йиллигини муносиб ку-тиб олиш, шаҳар маркази ва қишлоқларда бунёдкорлик, ободончилик ишларини авж олдириш борасида сўз борди. Жумладан, вилоят раиси янги болалар боғчалари бунёд этиш, маориф муассасаларида таълим-тар-бия шароитини яхшилаш, тиббий хизмат да-ражасини ошириш, янги саноят қорхоналари таъсис этиш, кўча ва йўлларни асфалтлаш, таъмирлаш учун қўшимча чоралар кўриш за-рурлигини таъкидлади.

Айни бир пайтда у ер ва сувдан оқило-на фойдаланиш, янги боғ-роғлар, замонавий иссиқхоналар бунёд этиш, кишлоқ хўжалиги-да илғор тажрибаларни қўллаш зарурлигини айтди.

Сайловчилар билан мулоқотлар

Вилоят шаҳар ва ноҳияларида вило-ят Халқ депутатлари мажлиси вакилла-рининг сайловчилар билан мулоқотлари бошланди.

Вакиллар бу мулоқотларда сайловчи-ларга Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси –

Суғд вилояти янгиликлари

Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Олий Мажлиси йўллаган Паёмини шарҳлаб беришмоқда, Тожикистон Республикаси Президентининг "Тожикистон Республика-сида 2021-2025 йиллар учун экстремизм ва террорчиликка қарши кураш стратегияси тўғрисида"ги фармони ва вилоят Халқ де-путатлари мажлиси қарорлари мазмунини тушунтириб беришмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Пан-жакент шаҳрида бўлиб ўтди. Вилоят халқ депутатлари мажлиси вакили Умед Ҳабиб-зоданинг сайловчилар билан учрашуви қи-зиқарли ва мазмунли ўтди. У сайловчиларга Паёмини шарҳлаб, фармон ва қарор бораси-да сўзлаб берар экан, сайловчиларнинг са-вопларига атрофлича жавоб берди. Вакил экстремизм ва террорчиликнинг, нақадар, номатлуб кўриниш эканлиги ҳақида тушун-тирар экан, унга қарши кураш ҳар бир киши-нинг иши бўлиши зарурлигини таъкидлади.

"Марказий Осиё марвариди"

Академик Бобожон Ғафуров номли Давлат университетиде Хўжанд шаҳри кўни муносабати билан илмий-амалий конференция ўтказилди.

У "Ҳақон келинчаги тарих кўзгусида" деб аталди. Конференция ишда олимлар, тарихчи тадқиқотчилар, талабалар қатна-шишди. Дорилфунун ректори Мирзотоҳир Набизода конференцияда сўзлар экан, Хў-жанднинг асрлар давомида Марказий Оси-ёдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, савдо ва маданият маркази бўлиб келганлигини таъкидлади. Унинг айтишича, шаҳар Фаро-на водийсининг дарвозаси сифатида ўрин олиши алоҳида аҳамиятга эга. Шаҳарнинг Буюк Ипак йўлидаги муҳим ўрни учун унга "Марказий Осиё марвариди" деб ном бериш-ган.

Ўтган йиллар давомида шаҳарда ду-нёга келиб, улғайган фарзандлари – машҳур олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъат-корлар, жумладан, Абумаҳмуд Хўжандий, Маҳастий, Камол Хўжандий, Тошхожа Аси-рий, Содирхон Ҳофиз, Ҳожи Юсуф, аллома Бобожон Ғафуров, академик Муҳаммад Осим-ий, Раҳим Жалил, Фарзона ва яна юзлаб таниқли инсонлар Хўжанд номини оламга ёйишган. Шаҳар раисининг муовини Жам-шед Набизода конференцияда иштирокчила-рини давлат ҳокимияти шаҳар ижроия орга-ни номидан Хўжанд кўни билан табриклар экан, айнқса, истиклол йилларида "Дунё келинчаги"нинг гуллаб-яшнаётганлиги, са-ноат ривожланиб, ижтимоий, иқтисодий, ма-даний, сайёҳлик соҳаларида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганини таъкидлади.

Конференцияда тарих фанлари док-тори, умумий тарих кафедраси мудири Абдусалом Аюбов "Профессор Абдуллоҳон Мирбобоев – қадимий Хўжанд тарихи ва ма-данияти тадқиқотчиси" ва тарих фанлари номзоди, доцент Жамолiddин Абдукаримов "Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб-ут-та-ворих»-и" рисоласида Хўжанд тарихи та-свирлари" мавзусида илмий чиқишлар қи-лишди.

Ўз мухбир.



Ўлим жазоси тикланиши мумкин

Қирғизистонда аёллар ва бо-лаларга қарши оғир жиноятлар учун ўлим жазосининг тиклани-ши масаласи умумхалқ референ-думида ҳал қилиниши мумкин. Бу ҳақда Президент Садир Жапаров маълум қилди.

- «Биз бу масалани якка ҳал қилмаймиз. Халқ билан маслаҳат-лашамиз. Масала умумхалқ рефе-рендумига қўйилиши мумкин. Агар қўпчилик қўллаб-қувватласа, унда Конституция ва қонунларга ўзгарти-ришлар киритиш, шунингдек, халқро-қ мажбуриятларини қайта қўриб чиқиш керак бўлади», - деди давлат раҳбари.

Президент аёллар ва болалар-ни зўравонликдан ҳимоя қилиш устувор вазифа бўлиб қолаётгани-

ни, бундай шов-шувли масала бўй-ича қарор фақат халқ томонидан қа-бул қилиниши кераклигини қўшимча қилди.

Қирғизистонда аёллар ва бола-ларга қарши оғир жиноятлар учун ўлим жазосининг тикланиши ма-саласи сентябр ойи охирида ўта шафқатсизлик билан ўлдирилган 17 ёшли Айсулу Мукашеванинг фожи-али ўлиmidан кейин кўтарилди.

Президент сўзларига кўра, у терговни шахсан ўз назоратига ол-ган ва маъмуриятга ўлим жазосини тиклаш учун қонунларга ўзгарти-ришлар тайёрлашни топширган. Садир Жапаров вояга етмаганлар ва аёлларни ўлдириш ва зўрлаш билан боғлиқ жиноятлар сони ор-тиб бораётгани, «анъанавий» қамоқ муддатлари энди жиноятчиларни тўхтата олмаётганини таъкидлади.

NASA Ойда кишлоқ қўрмоқчи

АҚШ Миллий аэронавтика ва космик тадқиқотлар бошқармаси (NASA) 2035 йилгача Ойда барқа-рор яшаш учун кишлоқ қўрмоқчи.

Бу ҳақда NASA раҳбари Шон Даффи Сиднейда бўлиб ўтаётган Халқроқ аэронавтика конгрессида сўз очди.

Даффига кўра, яқин ўн йил ичи-да NASA Ойда, нафақат, станция, балки одамлар яшаш учун барча инфратузилмага эга бўлган кишлоқ барпо этмоқчи.

NASA раҳбарининг қўшимча қилишича, у ерда одамларнинг до-имий яшаш учун барча шароит-лар яратилади. Шунингдек, янги кишлоқни атом энергетикаси билан таъминлаш, кишлоққа космонавт-ларни мунтазам жойлаштириш ва қурилишда Ой юзасидан топилган материаллардан фойдаланиш ре-жалаштирилган.

Шунингдек, NASA 2026 йилнинг февралда "Artemida II" миссияси-ни ишга туширишни режалаштир-моқда ва тўртта астронавтни 50 йил ичида Ойга биринчи сафарга жўнатади. Бу сафарда Ойга қўниш режалаштирилмаган бўлса-да, кос-мик агентлиkning асосий мақсади: у ерда кишлоқ барпо этишни таҳлил қилишдир.

733 миллион киши очликдан қийналмоқда

Бугунги кунда бутун дунёда қарийб 733 миллион киши оч-ликдан азият чекмоқда. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкило-ти хабар берди.

Маълумотларга кўра, ҳар кўни бир миллиарддан ортиқ порция яроқли озиқ-овқат ташлаб юборил-моқда. Бу миқдордаги овқат эса, очликдан азият чекаётган барча одамларни қўнига камида бир мар-та тўйинтиришга етади.

Аниқланишича, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат-нинг 13,2 фоизи ҳосил йиғим-тери-мидан чакана савдога етиб боргун-ча йўқолади, яна 19 фоизи ёки 1,05 миллиард тоннаси эса, уй хўжали-қлари, умумий овқатланиш муасса-салари ва чакана савдо тизимлари-да исроф бўлади. Озиқ-овқатнинг йўқотилиши ва ташлаб юборилиши нархларнинг ошишига олиб кел-моқда. Бундан ташқари, чиқиндида айланган маҳсулотлар полигонлар-да иссиқхона газларини чиқариб, иқлим ўзгаришини тезлаштирмоқда.

- "Озиқ-овқат исрофи ва йўқо-тилишини камайтириш орқали уч томонлама фойда олиш мумкин: озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатла-нишни яхшилаш, ишлаб чиқарувчи-лар, қорхоналар ва истеъмолчилар учун иқтисодий фойдани таъмин-лаш, шунингдек, атропо-мунит ва



иклимга таъсирни камайтириш, биохилма-хилликни сақлаш ва ифлосланишни қисқартириш", - дейилади хабарда.

Ҳар бир киши бунинг учун қуй-дагиларни қилиши мумкин:

- харишларни олдиндан режа-лаштириб, фақат зарур нарсаларни олиш;
- маҳсулотларни тўғри сақлаш, уларнинг яроқлилик муддатини узайтириш;
- "яроқлилик муддати" ва "энг яхшиши шу муддатгача" белгилари-га эътибор қаратиш;
- овқатни меъёрида тайёрлаш, ортиқчасини сақлаб қўйиш (маса-лан, музлатиб қўйиш);
- ортиқча озиқ-овқатни муҳтож-ларга эҳсон қилиш;
- озиқ-овқат чиқиндиларини ком-пост қилиш.

"Жаҳон чемпионати-2026" чипталари рекорд даражада қиммат бўлади

- Футбол бўйича ўтказилади-ган навбатдаги жаҳон чемпио-нати тарихдаги энг қиммат чем-пионат бўлади, - деб ёзади «The Athletic» нашри.

Хабар қилинишича, АҚШда ўт-казиладиган гуруҳ босқичи ўйинла-ри учун 3-тоифадаги чипталарнинг минимал нархи 140 доллар, Лос-Ан-желес, Сан-Франциско ва Нью-Жер-си ареналаридаги энг яхши жойлар учун эса, 620 долларни ташкил эта-ди.

Чоракфинал чипталари 275 - 1690, яримфинал учун 420 - 2780, 3-ўрин учун баҳс чипталари 165 - 1000 доллар бўлиши айтилмоқда. Финал баҳси чипталари эса, рекорд даражада қиммат бўлади. "Метлайф-стэдиум"да ўтказилади-ган финалга 1-тоифадаги чипталар 6730, 2-тоифадаги чипталар 4210, 3-тоифадаги чипталар 2790 ва 4-то-ифадаги чипталар 2030 доллардан сотилади.

Чемпионат 11 июнда бошлана-ди ва 19 июлгача давом этади.

ОАВ материаллари асосида
З. УМАРОВ чоғга тайёрлади.

Нозик кўнгиллардан узилмасин тор

Соҳиб шеър



Соҳиба Шакирова

28 март 1980 йил Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида таваллуд топган. Ўш шаҳридаги Давлат университетининг филология ва журналистика факультетини битирган. Тошкент олий академияси – PhD доктори, медицина, фармацевтика ва психология соҳаларида Олий даража-ли диплом соҳибаси.

Қирғиз Республикаси Аёллар кенгаши раиси ўринбосари. “Чечаклар” (2002), “Кўлингда нур, болажон” (2004), шеърӣй тўпламлари муаллифи.

“Қурмонжон ва Замон”, “Айбсиз айбдорлар” асарлари эълон қилинган. Қирғиз, рус, турк, озарбойжон тиллари-дан таржималари бор.



Ота мероси

Умр дарё пастга қараб оқувчи,
Кеча гўдак, бугун элга ёқувчи.
Элпарварим, нури дийдам кўп яша,
Отанг каби юртнинг юкин тортгучи.

Кимса отанг каби пуштинг олмагай,
Волидангдек меҳри дарё бўлмагай,
Илму-фанда бўл илғорим, олимам.
Бу давронлар, яна келгай, келмагай...

Тонгдан бошлаб касбу кору ниёзинг,
Шомда айтгил, шукроналик ва розинг,
Илму нажот, корла топгин муродинг,
Сендан қолсин боғ-бўстон гул сўзинг.

Отанг – давлат, она - ҳикмат қайтмагай,
Бу давронлар яна келгай, келмагай,
Шовқин солиб келса, бўрон сабр қил.
Сабр таги сариқ олтин, дегайлар.

Аёл кўнгли билан ўйнашманг, зинҳор,
Унда меҳр яшар, муҳаббат яшар.
Нозик кўнгиллардан узилмасин тор,
Чин жомидан юпқа эрур муқаррар!

Аёл қалби билан ўйнашманг, асло,
Унда Она яшар, итоатли ёр.
Сир тўла сандиққа ўхшайди гўё,
Чанг қилидай майин, сирли, оҳангдор.

Аёл руҳи билан жанг қилманг, асло,
Ёвуз музликлардан совуқроқ қаҳри.
У - она, у - жангчи, ундадир вафо,
Ундан нур олади фарзандлар меҳри.

Аёл ишонч боғин айламанг паймол,
Унинг қалб яроғи олинган гулдан.
Аёл нозик хилқат, гавҳар безавол,
Ҳақ нури сингандир унга самодан.

Аёл бахти билан ўйнашманг зинҳор,
Унинг нолаларин тинглаувчи бор!

Ватан мадҳи

Ватан, сен бунчалар ширинсан - Онам,
Эркалаб, пайванд-ла бола ўстирган.
Ватан, мени ерларга ишонмай қўлда,
Кўтариб, елкада опичлаб юрган.

Ватан - бунча қадимийсан, оташим, отам,
Аждодлар наслидан мени яратган.
Сен менинг жонимсан, жона-жонимсан
Зийёга қонсин, деб Шарққа кузатган.

Сенми, ўша - сочлари попуқ фаришта,
Қошларга ўсмалар ярашган дилбар.
Кеча меҳринг оташидан сувлар сипқориб,
Гулзорингдан бир ҳовуч йиғдим чаманлар.

Ватан, бугун сени жуда соғиндим,
Соғинчлар қоялаб ўсиб бормоқда,
Қорли тоғларингда елканг мисоли?
Узоқдан кўринар салобат, виқор.

Ватан, сен - оқ сутимсан, ойдаи орзулар,
Тим тўла мужаффар сандиқларимда.
Дийдорсан дўстимсан, соғинчлар битмас,
Тунни тонга улаб, хўп сўзлашсамда.

Сен менга мактабсан, ниҳоллар эккан,
Шу митти жуссамда боғлар бепоён.
Виқорла дарахтлар ўстириб танда,
Зийё, нур еридан улашган пайванд.

Ватан, даҳо илминг улуғлай дея,
Қалблар зиёсини юксақдан топдим.
Сенинг номинг, донғинг улуғлай, дея
Башар олимлари илмига қондим.

Сени бугун соғиндим, жуда соғиндим,
Ўчоғингда оташ, қип-қизил чўғдай.
Эртага кўрмасам ҳаво қолмайди,
Нафас ололмайман, бағрингда бўлмай.

Ватан, сенинг бағрингда бўлай!!!



«Шеър қолур, шоир қолур...»

ёхуд шоир Дилмурод Ҳожимуродов ижодига бир назар

Шоирнинг яқинда нашрдан чиққан «Оқ атиргуллар» китоби тириклик дардида бу дунё-ю дуннинг чор бозорини кезиб юрганлар учун ҳаёт йўлларида адашмасликка, одам бўлиб келиб, одам бўлиб яшашга даъват кўнғироғидир.

*Ростини айт: умринг умр
дейишга арзигайми?*

*Топган нонинг ҳалолми,
ейишга арзигайми?*

Дарҳақиқат, умр - киприк қоқгулик фурсат. Инсон эса, хатолардан мосуво эмас. Бир чимдим умрини бойлик, айшу ишрат ботқоғига ботириб, фақат ўзини ўйлаб яшаётганларга шоир:

*Яхшилик қил, ўтиб кетсанг, шу яхшилик
қолар сендан,*

*Яхшиларнинг этагидан тутгил маҳкам,
ганиматдур,-*

дейди-да қалбини илоҳий куйга тўлдирган, умрини инсонларга сози билан хизмат қилишга бағишлаган Сирожиддинларни улуғлайди.

Кумуш тимсоли аёл зоти учун гўзаллик, нафосат, ҳаё, ибод, чин севги рами ва айниқса, мусулмон аёлининг одамийлик хислатлари барометридир.

Рашк, ҳасад Кумушни ўлдирари. «Сен ўлма, Кумуш!»нинг қаҳрамони ўлса ҳам, юракларни ларзага солиб ўлади. Адоватли Зайнабларга чин инсонларнинг қаҳр тоши ҳамон отилади. Ҳақиқий муҳаббат тимсоли бўлган Отабек ва Кумушнинг меросхўрлари бўлган бугуннинг айрим йигит-қизлари аҳду вафони ҳою ҳавасга айлантиришаётгани ачинарли ҳол. Бундан қалби озорланган шоир гўр севгининг меваси бўлган тирик етим болалар аҳволига ачинаиб:

*Умр китобининг бетакрор боби,
Кимнингдир гуноҳи, кимнинг савоби.
- «Ахир, ёзуғимиз нимада?» - деган
Саволнинг на-да бор, на йўқ жавоби:
Бир-биридан ширин, қирмиз лолалар,
Оналари ташлаб кетган болалар,
Оталари ташлаб кетган болалар...*

Оила - муқаддас. У - жамиятимизнинг кичик бўлаги. Кеча ўлдим-куйдим, деб қурилаётган ёш оилалар ўртасидаги ажримларнинг кўпчилиги, икки томон қадриятларидаги юз кўрмаслик ҳолатлари шоирни ташвишга солади.

Дилмурод Ҳожимуродов кўлига қалам олар экан, ўзи яшаётган дунёни пок кўргиси келади. Ҳар доим оппоқ атиргуллар очилиб, кўзни қувонтирса, ўзи яхши кўрган райҳон ҳидлари бўй таратиб, димоғни чоқ этса.

Шоир - жасорат фарзанди. Дилмурод Ҳожимуродов шеърятда - «Дехқондан бошқа ҳалол одам қолмади», - дея бор гапни айта олди ва ўзи шеъри орқали «мингта нонхўр»ни таъминлаётган дехқонга таъзим қилади. Шоир ҳаётнинг фақат қора ранглари кўрмайди. Фармонкўрмон томонларда, Новда, кўйинги, республикамизнинг ҳамма ерида Аллоҳ инъом этган умрининг қадрига етиб, боғ яратаётган, шаҳарлар барпо этаётган, тинчликни эъозлаётган инсонларни шарафлайди ва:

*Келди орзудаги эркин, ҳур замон,
Ҳамма яшар бунда тўқ ва фаровон
Кундан-кун Ватанин обод этмоқда
Барча халқлар бўлиб, бир тану бир жон
Чўл деманг, тош деманг, боғу бўстон - бу,
Номи улуг Тожикистон - бу!*

Қаламдан тўкилган бу сатрлар одам боласини шукр қилиб яшашга чорлайди. Нега ҳадеб нолиш керак?! Бугун дунёнинг айрим минтақаларида халқлар бошига даҳшатли уруш солаётган кулфат туфайли: - «Нон!» - дея чирқираётган инсонлар ҳоли ўзида эси бор ҳар тирик жонни юртимиз тинчлигини янада мустаҳкамлашга ундайди.

Замонлар, даврлар ўтаверади. Ҳаёт ўз ҳукмини ўқийверади. «Хонлар ўткинчи, тахтлар кўч-кинчи» деганларидай бизлар ҳам гарчанд ким бўлсакда, осмонга устун бўлолмаймиз. Шоир ўз шеърларида оптимиздан келаётган авлод бу ҳаётнинг давомчиси эканлигини, уларга тўғри йўлни кўрсатиш ёши улуғлар учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини ўқиради. Қалби оқ атиргуллардай пок-киза фарзандларга фурсатни бой бермасликни, дунё бойликларида ҳавас қилмай, қаноат қилиб яшашни «Тўрт насиҳат» шеърида бобо-ю буви, ота-она бўлиб мурожаат қилади. Зеро, ақлли, билимли, фаросатли авлоддан нурли жамият барпо этилади.

Инсон ўзи яшаётган дунёни ҳам тузади, ҳам бузади. Бунга тарих гувоҳ, фақат муҳаббатгина уни даҳшатли фалокатлардан қутқара олади.



Муҳаббатни билган куним ёрни билган

қуниmdir,

Муҳаббатга етган куним бахтим қулган

қуниmdir.

Зўрга топдим. Ундан мени айирмагин

Аллоҳим!

Муҳаббатсиз ўтган куним - менинг ўлган

қуниmdir,-

дея шоир илоҳий ва инсоний муҳаббатга топинади. Ва ҳар бир қалб севги шароби билан лимо-лим тўлишини истайди. «Менинг баҳорим», «Бағримда баҳор», «Соғинч», «Райҳон ҳиди», «Чиннигул», «Фармонкўрмон томонларда» тўпламлари, «Ҳиллол» сайланмаси ва уч китобдан иборат «Нов кўкида чарақлаган юлдузлар» тарихий, биографик очеркларини элга тақдим қилган шоир, ёзувчи Дилмурод Ҳожимуродов 75 ёшга тўлди.

Дилмурод Ҳожимуродов ҳавасга шеър ёзмайди. Юраги жизиллаганда, оқ қоғоз билан юзлашади. Шу туфайли ҳақни куйлаб, элнинг дардкашига айланади. Кези келганда айтиш керак, шоир ижоди мунаққидлар томонидан ўрганилиб, монография ёзиш даражасига аллақачон етиб келган.

Мевасиз дарахт ўтинди. Дилмурод Ҳожимуродов атрофида юзлаб шоғирдлар ижод қилмоқда. Бу - Новнинг ижод боғи. Боғбон эса, шоирнинг ўзи.

Райҳон каби барча гулларнинг ошиги, бутун бир жамиятни шу гуллардек яшнаб туришини истаган шоир бугун айна камолот чўққисига. Халқ эса, ундан бошқаларникига ўхшамаган шеърларни кутишга ҳақли. Бу йўлда Аллоҳ Сизга мададкор бўлсин. 75 ёш муборак, қадри устоз!

**Файбулло РАҲИМБОЕВ,
Тожикистон маорифи ва
матбуоти аълочиси.**

Саҳифа масъули А. НАСРИДИНОВ

обуна - 2026

БАЛЖУВОН, ФАРХОР, ТЕМУРМАЛИК

НОҲИЯЛАРИ – ОБУНАДА ИЛҒОР



Алоқа соҳасида 13 йиллик тажрибага эга, «Почтаи Тоҷикистон» давлат унитар корхонасининг Қабодиён ноҳияси бўлими ходими Маҳимжон Пайзуллаева газетатага обунани расмийлаштирмоқда.



«Халқ овози» газетасининг фаол муштарийлари – газетамизнинг жамоатчи муҳбири, меҳнат фахрийси, таниқли шоир, Нёзматулло Мамасайдов, ички ишлар соҳаси фахрийси, истеъфодаги полковник Бўри Раҳмонкулов ва меҳнат фахрийси Нурулло бобо Отабоевлар газетанинг навбатдаги сонини кўздан кечиришмоқда.



Воселик фахрий ўқитувчи Одинахон Тўхтаров ва Қабодиён ноҳияси «Заркамар» қишлоқ жамоати раиси Баҳодир Ўтаевлар – «Халқ овози» газетасининг фаол муштарийлари.

Ўқитувчи – зиё булоғи

Анчадан буён ўқитувчилар ҳақида ўй-фикрларимни ёзишга чоғланаману ҳеч мавриди келмайди. Бугун шу шарафли касб эгалари ҳақида ёзишнинг вақти келди, деб ўйлайман. Бунга давлатимиз раҳбари, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бу соҳа жонқурларига имкониятлар яратиш ҳақидаги таклифидан сўнг, «Ўқитувчи мақоми тўғрисида»ги Тоҷикистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилгани туртки бўлди.

Қадимдан илмни инсонларга нисбатан одамларнинг қарашлари ва ҳурматлари бошқача. Бу, нафақат, бизда, балки, бутун дунёда ҳам шундай бўлган. Устозлар биргина халқ томонидан эмас, балки, донги дунёни тутган ҳукмдорлар томонидан ҳам эъзозланган. Узоққа бормайлик - яқин-яқингача ўқитувчиларга нисбатан одамларнинг муносабатлари бошқача эди. Қўл телефонлари оммалашмасдан аввал тўй қилинса, узоқдаги қариндошларга тўйхабар ёзиш, ўйини тартибли ўтказишга бош-қош бўлиш каби ишлар ҳам ўқитувчиларга ишониб топшириларди. Нозикроқ меҳмонларни кутиб олиб, хизмат курсатиш ҳам устозлар зиммасида бўларди. Ўша пайтлари юқори лавозимдаги кишиларга «крайс», «ката», «босс» деб эмас оддийгина «муаллим» деб мурожаат қилишарди. Улар ҳам ранжимасдан хурсанд бўлардилар, албатта. Бошқа соҳа вакиллари ҳам ўқитувчига нисбат бериб «муаллим» дейилиши зиё тарқатиш йўлида жон қойитаётган инсонларнинг қадри, нақадар, улугъ эканлигидан далолат беради.



Устоз Тожинисо Турсунхўжаева ўқувчилари билан

Тўғри, яширишнинг ҳолати йўқ, бугунги кунда ўқитувчига нисбатан айримларнинг муносабатлари озгина ўзгарган бўлиши мумкин, лекин мавқеи ўзгармаган, ўшандай улугъ, ўшандай азиз! Аслида устозларга иззаттаъаблик бегона, улар ҳар доим ўзларини устоз! Мактабда ҳам, кўчада ҳам барчага ўрнак бўлишлари керак. Бу - уларнинг асл мақсадлари.

Агар ўқитувчи бирор номақбул иш қилиб қўйса: - «Шу иш ўқитувчи одамга ярашадими?» дейишимиз бор гап. Ваҳоланки, у ҳам оддий инсон, лекин ўқитувчи деган улугъ шарафга, бу нома доғ тушириш уят. Шунинг учун, ўқитувчи деганда кўз олдимизга ҳалол, инсофли, адолаттўй, илмни инсон келади.

Аслида ҳам шундай.

Менга ҳам мактабда Худойберди Соқиматов, Олимбой Раҳимбоев, Улмасхон Муҳторова, Асрорхон Нуриддинов (хаммаларини Худо раҳмат қилсин), Дилбар Болтаева, Раҳматилло Тошматов сингари олижаноб инсонлар сабоқ беришган. Мен уларда одаимийликнинг барча хислатларини кўриб, ҳавас қилиб ўлғайганман. Биринчи устозим Тожинисо опа Турсунхўжаеванинг камтаринлиги, меҳрибонлиги, кўнгилга озор бермай муомала қилишлари бошқача эди. Улар ҳар бир ўқувчига онасидек меҳрибонлик қилардилар. Ҳозир ҳам учрашиб қолсак, Тожинисо муаллимимиз ҳар бир оила аъзоларимизнинг саломатлигини бирма-бир сураб чиқардилар. Ўша самимийлик, ўша меҳрибонлик заррача камай-

обунани ташкил этиш вазифамиздир, - деди Қўшониён ноҳияси раиси Муҳаммадшариф Холзода. – Маърака қизгин кечмоқда ва унинг самарали бўлишига ишонч бор. Бу йўналишда барча масъуллар иш олиб боришмоқда.

Шунингдек, «Почтаи Тоҷикистон» давлат унитар корхонасининг Жалолиддин Балхӣ ноҳияси бўлими бошлиғи Тоҷиддин Гурезов ҳам келгуси йил учун «Халқ овози» газетасига обуна режаси ўз вақтида бажарилишига ишонч билдирди.

Бошқа газета ва журналлар қаторида «Халқ овози» газетасига ҳам обуна қабул қилмоқдамиз, - деди «Почтаи Тоҷикистон» давлат унитар корхонасининг Жайхун ноҳияси бўлими бошлиғи Дилором Бўриева. – Маърака қизгин тус олмақда. Ишончим комилки, режани урда қилишимиз.

Қабодиён, Шаҳритус ва Носир Хусрав ноҳияларида ҳам «Халқ овози» газетасига келгуси йил учун обуна маъракаси қизгин кечаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Ҳар йили «Халқ овози» газетасига обуна режасини муваффақиятли бажарамиз, - деди «Почтаи Тоҷикистон» давлат унитар корхонасининг Қабодиён ноҳияси бўлими бошлиғи Адолат Саидова. – «Халқ овози» газетаси муштарийлари ўзларининг сеvimли газеталарини 2026 йил ҳам мунтазам мутлаа қилишлари учун обунани ўз вақтида самарали ўтказишга қарор қилганмиз.

Биз ноҳия почтасида обуначиларнинг кўпчилиги эканлиги ва почта ходимларининг ўз вазифаларини сидқи дилдан бажараётганликларига гувоҳ бўлдик.

Албатта, ноҳиямизда «Халқ овози» газетасининг ўз ўқувчилари бор, - деди Шаҳритус ноҳияси раиси Тағой Абдуллозода. – Обуна маъракасини кўнгилли ўтказиш, сизу бизнинг - вазифамиз. Газета саҳифаларида шаҳритусликлар ҳаёти, ноҳияда кўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида мақолалар бериб борилиши – унинг муштарийлари сони ошишига хизмат қилиши, табиий. Ишончим комилки, газета редакцияси ходимлари ва маҳаллий ҳокимият ўзаро манфаатли ҳамкорликларни янада кучайтиради.

Умуман, Хатлон вилояти шаҳар ва ноҳияларида келгуси йил учун «Халқ овози» газетасига обуна маъракаси қизгин кечмоқда. Шаҳар ва ноҳиялар обуна масъуллари Балжувон, Фархор ва Темурмалик ноҳиялари масъулларидан ўрнак олишса, нур устига аъло нур бўларди...

Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА,
Искандар МАҲМАДАЛИЕВ,
«Халқ овози».

Журналист мулоҳазалари

гани йўқ. Ўша нурли чеҳра, ёшлигимда қандай бўлса, шундайлигича турибди. Мана, асл инсон! Мана, чин ўқитувчи!

Айниқса, ҳозирги давларда. Соғлигидан, ҳаловатидан кечиб бугунги ёшларга сабоқ бериш осон иш эмас. Ахир, бугунги ўқувчилар XXI аср болалари. Айниқса, шу соҳани танлаган давр ёшларига тасанно айтмасликнинг иложиси йўқ. Сердаромад соҳа бўлмаса ҳам ўқитувчилик касбини танлаб, келажак авлоднинг билимли етук инсонлар бўлиб етишишларига ҳисса қўшишлари жасорат. Ҳозир ҳам ўқитувчига бўлган ҳурмат, эҳтиром ўзгаргани йўқ. Ким нима деса десин, ҳозир ҳам ўқитувчи деганда, кўз олдимизга зиёли, камтар, одоби билан барчага ибрат бўла оладиган идеал инсонлар келади. Уларни кўрганимизда, «муаллим» деб ҳурматини жойига қўямиз. Аслида инсон учун бу катта эҳтиром. На бойлигини, на мансабини ҳисобга олмасдан эл эъзозига сазовор бўлиш осон эмас.

Давлатимиз раҳбари, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг шу соҳага қаратган эътибори ҳам эҳтиромдан далолат. Уларга яратилган имкониятлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу эса, устозларимизнинг касбга бўлган меҳрлари янада ортиб, донги дунёни тутадиган шоғирларга тейлаётганлигидан кутиб бағишлайди. Соҳа сафи ҳам сараланиб, кенгайиб бормоқда. Шундай экан, ишонч билан айтиш мумкинки, бу касб эгаларининг қадри қанчалик юксак бўлса, давлат ҳам юксалаверади. Шундай эмасми?

Бахтиёр Юлдошев,
Спитамен ноҳияси.

Сўраган эдингиз...



Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг:
2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.

ИШ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИ ЧЕКЛАНГАНМИ?



- Ўқитувчилар бир ҳафтада неча соатгача ишлашлари мумкин? Улар учун иш вақти давомийлиги чекланганми?

Телефон кўнгироғидан.



- Тоҷикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 70-моддасига биноан, юқори шиддатли ҳиссиёт, сеҳн ва асабга боғлиқ ишда ишловчи ходимларнинг алоҳида гуруҳи (дўхтирлар, ўқитувчилар ва бошқалар) учун бир ҳафтада иш вақтининг давомийлиги 35 соатдан ошмаслиги лозим.

Бу каби ходимлар ва улар иш вақтининг аниқ давомийлигини Тоҷикистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгилайди.

Тоҷикистон Республикаси
Меҳнат кодекси асосида тайёрланди.

«Халқ овози»га обуна бўлинг!

Қадри ватандошлар!
Тоҷикистон Республикаси Ҳукуматининг
расмий нашри - «Халқ овози» газетасига
2026 йил учун обуна маъракаси
қизгин давом этмоқда.

Газетамизнинг бир йиллик обуна
нархи почта хизматлари билан
бирга 170 сомоний 00 дирам.

«Халқ овози» банк ҳисоби:
Идораи рўзномаи «Халқ овози»
РМА - 030005725
с/ҳ - 20202972845954102000
дар филиали № 2 «Амонатбанк»-и
ш. Душанбе
к/ҳ - 20402972316264, МФО - 350101626
ш. Душанбе, Газета индекси - 68876.
Манзилимиз: Душанбе шаҳри,
Саъдий Шерозий
хиёбони - 16, 7-қават.

«Ҷумҳурият» газетаси котибот бошқармаси
бошлигининг ўринбосари, ҳамкасбимиз Фирӯз
Нёмоновга отаси

АЛИШЕР НЁМОНОВнинг
бевақт вафоти туфайли чуқур ҳамдардлик
билдирамиз. Яратган марҳумнинг охиратини обод,
қабрини нурли айласин. Яқинларига сабр тилаймиз.

«Халқ овози» газетаси ижодий жамоаси.

Тоҷикистон Ёзувчилар иттифоқи аъзоси, «Сугд
ҳақиқати» газетасининг собиқ бош муҳаррири
Солиҳа Олимовага

ҚИЗИНИНГ
бевақт вафоти туфайли таъзия ва ҳамдардлик
билдирамиз. Аллоҳ марҳуманинг охиратини
обод, жойини жаннатдан ато этсин. Бу мусибатли
кунларда оила аъзолари ва яқинларига сабр-
бардош тилаймиз.

«Халқ овози» газетаси ижодий жамоаси.

ЭЪТИБОР НАДОРАД

Аттестати гушудайи №179195, ки аз тарафи МТМУ №7-и
ноҳияи Шаҳринав ба Раҳматова Фотима Аҳмадовна дода
шудааст, аз эътибор соқит қарда шавад.

ХАЛҚ ОВОЗИ

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ.
Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурияи Тоҷикистон.
«Голос народа» - на ўзбекском языке.
Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель:
Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир
Ёқубжон
АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри,
Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
Раҳмон Озода ЭМОМАЛИ
Раҳмонзода Абдулло Курбонали
Давлатали САИД
Ражаб АҲМАДЗОДА
Мирзонабот Алишер Худоберди
Эркин Шукуров - бош муҳаррир ўринбосари
Зухриддин Умаров - масъул котиб
Гулфинур Аюпова - бўлим муҳаррири
Искандар Маҳмадалиев - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар
ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради.
Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади.
Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилимайди.
Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул
қилинади. Редакция фақат компютерда Times
New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган
мақолаларни қабул қилади.

Навбатчилар:
1. И. Маҳмадалиев (1-4 с.х.)
2. А. Мирзахониев (5-8 с.х.)

Чоп масъули:
И. Маҳмадалиев

Электрон почта: halkovoz1929@mail.ru

Сайтими: http://khalikovoz.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам
ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд
муаллифларга берилади.
СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги
ҳисобинга мурожаат этиш лозим.
Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш
имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди:
2025 йил 8 октябр соат 16⁰⁰
Тиражи 8005 нусха.

Газетанинг сотув
нархи - эркин.